



# УЛУҒ АЙЁМ КУНЛАРИ ЮРТИМИЗДАГИ БУНЁДКОРЛИК МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ТИНЧЛИК-АҲИЛЛИК, ОДАМЛАРДАГИ МАМНУН КАЙФИЯТ БИЛАН УЙҒУНЛИК КАСБ ЭТАДИ

## Президент Шавкат Мирзиёев 20 март куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишди.



Мамлакатимизда инвесторларга яратилган қулайликлар туфайли иқтисодий ҳаётда хусусий секторнинг улуши ошиб бормоқда. Тўғридан тўғри сармоялар киритилиб, саноат, қурилиш, савдо, хизмат кўрсатиш соҳаларида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида барпо этилган "High Town City" мажмуаси шулардан бири. У кенг қамровли бўлиб, савдо ва кўнгличар маркази, бизнес маркази, меҳмонхона ва замонавий турар жойларни ўз ичига олган. Бунга 510 миллион доллар тўлиқ хорижий инвестиция йўналтирилган.

Давлатимиз раҳбари савдо марказидаги замонавий тижорат ва хизмат турларини кўздан кечирди. 4 қаватли бинода савдо дўконлари, жумладан, машҳур брендларнинг шохобчалари очилган. Ресторан ва кафе, кўнгличар ўйингоҳлар, спорт майдонлари,

кинотеатрлар эл хизматида. Ер остида автотурагоҳ бор.

Бир сўз билан айтганда, бу ерда одамлар савдо қилиши, дам олиши, спорт билан шуғулланиб, вақтини чоғ ўтказиши учун барча шароит яратилган. Мажмуа бир кунда 5 минг кишига хизмат кўрсатиш қувватига эга. Унда 1 минг 500 киши иш билан таъминланди.

Президентимиз мажмуанинг иқтисодий аҳамияти ва аҳоли учун қулайлигини эътироф этиб, инвестор ва тадбиркорларга қўмак бериш бундан кейин ҳам давлатимиз сиёсатининг стратегик йўналиши бўлиб қолишини таъкидлади. Миллий маҳсулотларимизни брендга айлантириш, уларни ташқи бозорларда таништириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

Савдо марказида шинам китоб дўкони ҳам очилган. Шавкат Мирзиёев бу ташаббусни олқишлаб, метро бекатлари, кутиш жойларида ҳам мўъжаз китоб дўконлари ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини айтди.

Давлатимиз раҳбари ўйин майдончасидаги болажонларни кўриб, самимий меҳр-эътиборини изҳор этди. Бугунги барча саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз келажиги учун қилинаётгани, бунинг учун болалар яхши ўқиб, ақлий ва ижодий салоҳиятини ривожлантириб бориши кераклигини таъкидлади.

Яқинда 24 қаватли, беш юлдузли меҳмонхона ҳам барпо этилиши режалаштирилган. Унда 250 та хона бўлиб, бир вақтнинг ўзида 430 кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Катта ва кичик

конференция заллари, сузиш ҳавзалари, ресторан ва дўконларда замонавий қулайликлар йўлга қўйилди.

Давлатимиз раҳбарига шу ерда қуриладиган замонавий уй-жойлар лойиҳаси тақдимот қилинди. Унга кўра, 1 минг 500 та хонадан иборат 28 та кўп қаватли уй бунёд этилади. Мажмуа ҳовлиси автомобиллар учун ёпиқ ва яшил ҳудуд бўлади. Болалар богчаси, ўйин майдончаси, теннис корти, ерости автотурагоҳ ташкил этилади. Мажмуа ҳудуди тўлиқ Wi-Fi билан қамраб олинади ҳамда биноларда шовқинсиз лифтлар ўрнатилади.

Тошкент шаҳрида жамоат транспортини ривожлантириш лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди. Маълумки, Тошкент метрополитенини Тошкент трактор заводи даҳасигача олиб бориш режалаштирилган. Президентимиз аввал тақдим қилинган лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш, бошқа муқобил таклифлар киритиш бўйича топшириқ берган эди. Шунга мувофиқ тайёрланган янги лойиҳага кўра, метрополитенининг Чилонзор йўналиши Тошкент трактор заводи даҳасигача узайтирилади. Бу тармоқ 30 та маҳалла, 148 минг аҳолини қамраб олади.

Яна бир лойиҳага кўра, Бектемир туманида Чирчиқ дарёси яқинида кўп қаватли уйлар, савдо ва хизмат бинолари қуриш кўзда тутилган. Бунинг натижасида туманда урбанизация жадаллашиб, янги марказ пайдо бўлади.

Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Бектемир туманига ташрифи чоғида Йўкота маҳалласида бўлиб, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишди.

Бу ердаги 37 та кўп қаватли уй ва 1 минг 400 та ҳовлида 6 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Мамлакатимизда маҳаллабай амалга оширилаётган манзилли ишлар Йўкотада ҳам ўз натижасини бермоқда. Янги кўп қаватли уйлар қурилган. Йўлақлар ва ички кўчалар таъмирланган. Майдончаларга гул ва майсалар экилган.

Ўтган йили уч қаватли маҳалла идораси фойдаланишга топширилган эди. Энди давлат бюджети ҳисобидан 358-умумтаълим мактаби қуриди. Президентимиз ушбу янги муассасани кўздан кечирди.

Таълим тизимига бўлаётган эътиборнинг ёрқин ифодасини бу ерда ҳам кўриш мумкин. Қарийб минг ўринли мактабда фан хоналари, компьютер ва хорижий тил хоналари, робототехника тўғраги, лаборатория зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланган. Кутубхона, спорт зали, футбол майдони ва ошхонада болалар учун кенг қулайликлар яратилган.

Педагоглар билан мулоқот чоғида болаларнинг қобилиятини тўғри шакллантириш, касбий таълимни ривожлантириб, биттирувчиларни касб-хунарли қилиб ҳаётга йўллаш муҳимлиги таъкидланди. Хусусан, ахборот технологиялари, робототехника, муҳандислик каби йўналишларни кенгайтириш, ўсмирларда ҳарбий-ватанпарварлик руҳини кучайтириш вазифалари кўрсатиб ўтилди.

Маҳалладаги янги уйларнинг биринчи қаватларида иккита хусусий богча ташкил этилган. Уларнинг Наврўз арафасида очилгани ота-оналар учун байрамона туҳфа бўлди.

▶ Давоми 2-бетда

## ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛАЛАР ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев 20 март куни бўлиб ўтган телефон орқали мулоқотда бир-бирини ва икки мамлакатнинг биродар халқларини баҳор айёми — Наврўз билан самимий қутлаб, тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги дўстлик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашнинг энг долзарб масалалари батафсил муҳокама қилинди.

Ўтган йил август ойида Озарбайжон Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифида эришилган келишувларга мувофиқ амалий ҳамкорлик бўйича режаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Иқтисодий ҳамкорлик йили доирасида биргалликда самарали ишлар олиб борилаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш

ҳажми ортмоқда, автомобилсозлик, тўқимачилик, электротехника, энергетика, қишлоқ хўжалиги, туризм ва кўплаб бошқа тармоқлардаги лойиҳалар фалол босқичга кирган.

Бундан ташқари, маданий-гуманитар алмашинув доирасидаги тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Давлат раҳбарлари халқро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди, шунингдек, бўлажак олий ва юқори даражадаги икки томонлама учрашувлар ва кўп томонлама саммитлар режасини кўриб чиқдилар.

ЎЗА

## 22 март — Маҳалла тизими ходимлари куни

### УЙ, КЎЧА, МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ ҚАЛБ ОБОДЛИГИДИР

Табиат ҳикматга тўла. Ундаги ҳар бир ўзгариш жамият ривожига, одамлар ҳаётига бевосита таъсир ўтказди. Мартнинг илк кунларида ёққан қор-ёмғирдан кейин ҳарорат кўтарилиб, тупроқ тобга келиши билан қишлоқларда баҳор юмушлари бошланиб кетди.

Одамлардаги бу ҳаракат мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида амалга оширилаётган катта ўзгаришларга монандлиги, муштараклиги билан ҳар бир кишининг дилида яхшиликка, келажакка орзу-умидларни уйғотади.

Баҳор — яшариш ва янгиланиш фасли. Уйғоқлик, ободлик, бунёдкорлик фурсатидир. Баҳор келиши билан ёши катталаримиз қўларини дуога очиб, мусаффолик ва илиқликка, Наврўз ва сумалакка етказганига шукрона келтиради.

Шарқона янги йил бошланганидан қутлуғ кун — Наврўзи олам асрлар давомида баҳор, эзгулик, меҳр-оқибат, меҳнат ва бунёдкорлик рамзи сифатида эл-юртимизнинг

ижтимоий-маънавий ҳаётида беқийс ўрин тутиб келмоқда. Бу мунаввар айём кейинги йилларда ватанимизда амалга оширилаётган "Инсон қадрини, инсон бахтини учун", деган олийжаноб ғояга ҳамоҳан бўлиб, том маънода умумхалқ байрамига айланди.

Президентимизнинг "2025 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан, бу йил меҳр-саховат байрами "Қадриятларинг боқин бўлсин, Наврўз!" деган бош ғоя асосида умумхалқ сайиллари шаклида юқори савияда кенг нишонланди.

▶ Давоми 3-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### УМУММИЛЛИЙ ТОТУВЛИК ВА ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда умуммиллий тотувлик, бирдамлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, барча фуқароларга тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш, кўп миллатли халқимизнинг жонажон Ўзбекистонимиз фаровонлигига дахлдорлигини кучайтириш, хориждаги ватандошлар билан алоқаларни ривожлантириш, шунингдек, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида белгиланган вазифаларнинг изчил амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қарор қиламан:

#### 1. Устувор вазифалар

1. Жамиятда умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг устувор вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

- миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, жамиятда дўстлик, ўзаро ҳамжихатлик, бағрикенглик ва бирдамликни мустаҳкамлаш орқали ягона фуқаровий ўзлигини шакллантириш;
- Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш орқали уларнинг умуммиллий тарққийда дахлдорлигини кучайтириш;
- хориждаги ватандошлар жамоалари ва ўзбек диаспораларининг миллий ўзлигини сақлашга кўмаклашиш ҳамда уларнинг ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятини Ватанимиз ривожига сафарбар этишини қўллаб-қувватлаш;

г) халқ дипломатияси механизмлари орқали хорижий мамлакатлар билан ижтимоий-маданий ва дўстлик алоқалари ҳамда Ўзбекистоннинг халқро майдондаги ижобий имижини мустаҳкамлаш.

#### II. Соҳани тубдан ислоҳ қилиш

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси негизида Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) ташкил этилсин.

▶ Давоми 2-бетда

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги "Умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашни янги босқичга олиб чиқишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-52-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида қарор қиламан:

#### 1. Қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича қўмитаси (кейинги ўринларда — Қўмита) тўғрисидаги низоом 1-иловага мувофиқ;
- Мамлакатимизда умуммиллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни

мустаҳкамлаш бўйича "Йўл харита" 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги Миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ҳамда уларнинг ижтимоий ва иқтисодий жамоатчилик кенгашлари Умуммиллий бирдамлик ва ҳамжихатликни таъминлаш бўйича жамоатчилик кенгашлари (кейинги ўринларда — ҳудудий жамоатчилик кенгашлари) деб қайта номлансин.

3. Вазирлар Маҳкамаси Қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг янгиланган таркиби

ва ҳудудий жамоатчилик кенгашларининг янгиланган (намунавий) таркибини давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар аъзолари, фан ва маданият намоёндалари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларидан иборат таркибда тасдиқласин.

#### 4. Белгилансинки:

а) Қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши маслаҳат-кенгаш органи ҳисобланиб, Қўмитага юкланган вазифа ва мажбуриятларнинг бажарилишига кўмаклашади;

▶ Давоми 2-бетда



# УЛУҒ АЙЁМ КУНЛАРИ ЮРТИМИЗДАГИ БУЊЁДКОРЛИК МАҲАЛЛАЛАРДАГИ ТИНЧЛИК-АҲИЛЛИК, ОДАМЛАРДАГИ МАМНУН КАЙФИЯТ БИЛАН УЙҒУНЛИК КАСБ ЭТАДИ

## Бошланиши 1-бетда

Ички имкониятларни ишга солиб, аҳоли бандлигини таъминлаш тамойили бу маҳаллада ҳам намоеён. 70 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохбаси, 2 та ишлаб чиқариш корхонасида кўпчилик рўзгор тебратаяпти. Президентимиз фармойиши билан эълон қилинган доллар бир ойлик доирасида томорқадан унумли фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинлари экиш қизгин давом этмоқда.

“Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йилида кўчат экиб, яшиллик яратиш кўлами кенгайди. Пойтахтимизнинг Бектемир туманида яна бир боққа асос солинди.

Президентимиз давлат ташкилотлари ва жамоатчилик вакиллари билан бирга бу ерда кўчат экди.

Ийкота, Мажнунтол, Зилола, Роҳат ва Иқбол маҳаллалари орасидаги бу ҳудуд аввал қаровсиз жой эди. Элнинг бирлиги билан яна бир яшил макон, аҳоли ҳордиқ чиқарадиган парк пайдо бўлмоқда. Уч гектарлик ҳудудга ўрмон концепцияси асосида уч минг туп дарахт ва бутта кўчатлари экилди. Уларнинг сугорилиши ва парваришига масъуллар бириктирилди.

Маҳалла фаоллари, нурунийлар ва ёшлар билан самийий мулоқот бўлди. Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакилларига ушбу хайрли ташаббусга ҳисса қўшаётгани учун миннатдорлик билдирди. Барчани кириб келаётган Наврўз байрами билан табриклади.

Президент ташаббуси билан эълон қилинган доллар бир ойлик доирасида маҳаллаларда деҳқончилик ва ободонлаштириш ишлари сафарбарлик билан олиб борилмоқда.

Баҳорда 125 миллион туп кўчат экилиши мўлжалланган. Бунда экин жойларини тўғри танлаш, сугоришни яхшилашга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Янги боғда экилган кўчатлар ана шу эътиборнинг давоми бўлди.

“Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йили Давлат дастурига мувофиқ, бу йил кўчатчиликка ихтисослашган 18 та ўрмон хўжалиги ташкил қилинади. Уларда “илм — лойҳа — амалиёт” тамойили асосида генетик селекция ишлари кучайтирилиб, плантациялар кенгайтирилади. “Яшил олам” платформаси ишга туширилиб, кўчатларни онлайн сотиб олиш йўлга қўйилди.

Ортимизнинг барча жойларида Наврўз айёми кўтаринки руҳда кутиб олинмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев Бектемир тумани Роҳат маҳалласига ташриф буюриб, байрам сайлида ҳам қатнашди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,  
Иқром АВВАЛБЕКОВ,  
Бехруз ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
Уза Мухбирлари**

## Бошланиши 1-бетда

### 3. Белгилансинки:

а) Кўмита миллатлараро муносабатлар ҳамда хориждаги ватандошлар масалалари соҳасида давлат сиёсатини амалга оширувчи, давлат органлари ва ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органи ҳисобланади;

б) Кўмита Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Вазирлар Маҳкамасига бевосита ҳисобдордир;

в) Кўмитага Ўзбекистон Республикаси Президент томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган раис раҳбарлик қилади;

г) Кўмита раисининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган икки нафар ўринбосари бўлади;

д) жойларда миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар билан ишлаш масалалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари зиммасига юкланади ва улар ушбу масалалар бўйича Кўмита олдига ҳисобдордир;

е) Кўмита Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

### III. Умумий тўғривчи мустақамлашга қаратилган чора-тадбирлар

4. Кўмита ва миллий маданий марказларнинг умумий бирдамликни таъминлаш чораларини кучайтиришга қаратилган қўйидаги тақдирларни маъқуллансин:

а) ҳар йили “Ўзбекистон ягона Ватан” шиори остида юртимиздаги барча миллат ва элатлар вакиллари ўзаро тенглиги, бирдамлигини, уларнинг Янги Ўзбекистон тараққиётига қўшаётган ҳиссасини эътироф этувчи анжуман ташкил этиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида биттадан кўчаларни барча миллат ва элатларнинг маданияти, урф-одатлари ва аънавлари, ўзаро уйғунлашган миллатлараро муносабатларни ифодаловчи “Ўзбекистон маданий бойлиги” номли кўчалар сифатида ташкил этиш;

в) “Биргаликда кучмиз” шиори остида турли миллат ва элатлар вакиллари билан иборат эко-волонтерлар

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# УМУММILLIЙ ТУТУВЛИК ВА ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

иштирокида экологик акцияларни ўтказиб бориш орқали доллар масалаларни ҳал этишда дахлдорликни аниқлаш тўғрисида қарор қабул қилинган;

г) турли этно-маданий гуруҳларга мансуб таниқли шахслар иштирокида умумий ҳамжиҳатликни таъминлашга қаратилган лойиҳалар, дастурларни амалга ошириш;

д) турли миллат ва элатлар вакиллари билан ишлаш масалалари бўйича кундаги барқарор ривожланишга қўшаётган ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилувчи фильмлар ва туркум кўрсатувлар яратиш.

### IV. Хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустақамлашнинг янги механизмлари

5. Вазирлар Маҳкамаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг “Хориждаги ватандошлар орқали билимларни трансфер қилиш” (ТОКТЕН) дастури намунасида хориждаги ватандошларнинг Янги Ўзбекистон иқтисодий қудратига қўшаётган ҳиссасини янада ошириш мақсадида инновацион ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилувчи инсон капитални трансферини амалга ошириш, бунда юқори малакали мутахассисларни барча соҳаларда сунъий интелектни таълим ва хусусий сектор корхоналарига йўналтиришга қаратилган аниқ ташкилий-ҳуқуқий механизмларни белгилансин.

6. Кўмита Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда уч ой муддатда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хориждаги ватандошлар иштирокини рағбатлантиришга қаратилган аниқ асосланган тақдирларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда:

а) хориждаги ватандошлар, диаспора вакиллари билан тўғридан-тўғри инвестициялар киритишини қўллаб-қувватлаш;

б) хориждаги ватандошларнинг хайрия пул маблағларини ижтимоий фойдали ва мақсадли лойиҳаларни молиялаштиришга тўғридан-тўғри йўналтириш;

в) хориждаги ватандошлар, диаспора вакиллари билан капитал бозорига инвестициялар киритишини рағбатлантириш;

г) хориждаги ватандошлар, диаспора вакиллари билан туризм ривожлантириш масалалари назарда тутилсин.

7. Кўмита ва “Ватандошлар” жамоат фонди васийлик кенгашининг тадбиркорлик платформаларини

яратиш, жамият ҳаётини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, экологик барқарорлик, сифатли таълим каби масалаларда ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш мақсадида экспертлик ва илмий доиралар вакиллари ҳисобланган хориждаги ватандошларнинг доимий мулоқоти кўринишида “Uz Global Think” форумини ўтказиш бўйича тақдирларни маъқуллансин.

8. Кўмита “Ватандошлар” жамоат фонди билан биргаликда:

а) ҳар йили хориждаги ватандошларнинг “Uz Global Think” форумини ташкил этсин ва унда илгари сурилган фикрлар асосида мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш мақсад ва вазифаларига хизмат қилувчи тақдирларни шакллантириб, Вазирлар Маҳкамасига киритиб бориш;

б) 2025 йил 1 сентябрга қадар бирорлар ҳудудлар, дўстлик жамиятларининг хорижий давлатлар билан ижтимоий-маданий алоқаларни ривожлантиришда “маданий кўприк”ка айлантириш, халқ дипломатияси воситасида Ўзбекистоннинг халқоройимликни мустақамлаш чораларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

### 9. Қўйидагилар:

а) Маданият вазирлигида миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар билан ишлаш бўйича вазифаларнинг қисқариши ҳисобига 3 та бошқарув штаб бирлиги Кўмита тузилмасига ўтказилсин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари котибиятларига миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустақамлаш вазифалари юклатилсин;

в) Маданият вазирлиги тузилмасидаги “O'zbekiston” журнали тахририяти давлат муассасаси Кўмита тузилмасига ўтказилсин;

г) Кўмитанинг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

### V. Кўмита ҳуқуқлари

10. Белгилансинки, Кўмита ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Кўмита ваколатига кирувчи масалалар юзасида давлат органлари ва ташкилотларидан статистик, таҳлилий материаллар, ҳулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва бепул олиш;

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

Тошкент шаҳри,  
2025 йил 19 март

б) давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари, халқоройим ташкилотлар, хориждаги ватандошлар орасида юқори малакали мутахассисларни ҳамда экспертларни, шу жумладан, шартнома асосида жалб қилиш;

в) умумий миллий тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустақамлашга доир ташаббуслар билан чиқиш ва тақдирлар киритиш.

12. Кўмита раисига қўйидаги ҳуқуқлар берилсин:

а) Кўмита таркибий тузилмалари ўртасида аниқ вазифа ва функцияларни тақсимлаш;

б) Кўмита тузилмасига бошқарув ҳодимларининг белгиланган умумий штарплар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш;

в) Кўмита таркибий тузилмасини тасдиқлаш, ҳодимларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, шунингдек, уларни рағбатлантириш.

### VI. Фармон ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

13. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда “Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва хориждаги ватандошлар масалалари бўйича кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 3-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

16. Кўмита Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида тақдирларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Фармон ижросини назорат қилиш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Р.К.Давлетов зиммасига юклансин.

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА КЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

## Бошланиши 1-бетда

б) ҳудудий жамоатчилик кенгашларнинг ташкилий-техник таъминоти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

5. Кўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгашининг асосий вазифалари этиб қўйидагилар белгилансин:

а) Ўзбекистон халқининг бирдамлигини таъминлаш, хориждаги ватандошларни тарихий Ватани билан бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар ижросини комплекс таҳлил қилишда иштирок этиш, уларнинг амалга оширилиши юзасидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш;

б) мамлакатимизда умумий миллий тотувлик ва ҳамжиҳатликни мустақамлаш, Ўзбекистоннинг халқоройимликни оширишда халқ дипломатияси механизмларидан фойдаланиш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тақдирлар тайёрлаш ва Кўмитага киритиш;

в) аҳолида Ўзбекистон халқининг умумий миллий қадриятлари устуворлигини

аниқлаш тўғрисида кучайтиришда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

г) жамиятда умумий миллий бирдамлик, хорижий давлатлар ҳудудлари билан дўстлик ва бирдорлик алоқаларини ривожлантиришга оид тарғибот ишларини тизимли олиб бориш.

### 6. Белгилаб қўйилсинки:

а) Кўмита ҳодимларига ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш разрядларига кўра тариф коэффициентлари ва базавий лавозим маошлари 3 баравар (Кўмита раҳбариятига 4 баравар) миқдорда қўлланади;

б) Кўмита ҳодимлари ойлик маошининг 50 фоизи миқдорига Кўмита ҳодимларини моддий рағбатлантириш махсус жағмармаси шакллантирилади;

в) Кўмита бошқарув ҳодимлари учун аввалги иш жойида ҳарбий ва махсус унвонлар (мартаба даражалари, малака тоифалари, дипломатик даражалар ва бошқалар) учун берилган устама ва қўшимча тўловлар сақлаб қолинади;

г) Кўмитада ишланган давр ҳарбий ва махсус унвонлари (мартаба даражалари,

малака тоифалари, дипломатик даражалар ва бошқаларни) олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади;

д) Кўмита бошқарув ҳодимларининг лавозим маошига рағбатлантириш коэффициенти ҳисобга олинган ҳолда давлат органларидаги кўп йиллик меҳнати учун 2 йилдан 5 йилгача — 0,1; 5 йилдан 10 йилгача — 0,2; 10 йилдан 15 йилгача — 0,3; 15 йилдан 20 йилгача — 0,4; 20 йилдан ортқ — 0,5 коэффициенти билан ҳар ойлик устамалар тўланади.

7. Кўмита бошқарув ҳодимлари таркиби юклатилган вазифаларга мос, уларни профессионал даражада амалга оширишга қодир бўлган малакали, зарур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга (устуворлик асосида социолог, сиёсатшунос, халқоройимлик муносабатлар соҳасидаги мутахассислар, тарихчи, юрист, филолог) бўлган масъулиятли кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

### 8. Кўмита:

а) ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек,

фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади;

б) соҳада фаолият юритаётган давлат ва нодавлат ташкилотларга доимий равишда ахборот, маслаҳат, ташкилий ва услубий жиҳатдан қўмақлашиб боради.

9. Ташқи ишлар вазирлиги хорижий мамлакатларда фаолият олиб бораётган турдош ташкилотлар, ўзбек маданий марказлари ва жамиятлари ҳақида маълумотлар базасини шакллантириш ва юртида, шунингдек, хорижий мамлакатларда фаолият олиб бораётган тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишда ва ривожлантиришда Кўмитага амалий ёрдам кўрсатсин.

10. Кўмита ҳодимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, шунингдек, Кўмитанинг моддий-техник базасини мустақамлаш билан боғлиқ харажатлар 2025 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондидан “Ватандошлар” жамоат фондига ажратилган давлат субсидияси маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин ҳамда 2026 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларида кўзда тутилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

Тошкент шаҳри,  
2025 йил 19 март

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

22 март — Маҳалла тизими ходимлари куни

Бошланиши 1-бетда

Бу йилги табаррук моҳи Рамазоннинг шукуҳи ва фаизи Наврўз байрами тантаналарига улашиб, ўзига хос ажиб уйғунлик касб этаётган. Диний манбаларда келтирилшича, Рамазон ойи ойланинг сўлтони, саййиди, энг афали саналган. Мазкур ойда эзгу амалларга эътибор янада кучаяди. Гиналар унутилади. Ёмонликнинг йўли тўсилади.

Юртимизда Наврўз тантаналарига ҳамроҳан тарзда яна бир байрам — **Маҳалла тизими ходимлари куни** кенг нишонланди. Бу айёмнинг мана шундай шукуҳли кунларда ўтказилаётганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зотан, маҳалла асрлар оша миллий урф-одат ва анъаналаримизни беэвол сақлаб, халқимиз учун эзгулик ва тарбия бешиги, яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик маскани бўлиб келмоқда.

**Тозалик бор жойда  
файз-барака бўлади**

Ободлик кўнглидан бошланади. Бу ҳислат асрлар оша қон-қонимизга сингиб кетган. Чунки поклик, озодалик, тозаллик бор жойда файз-барака, ишда унум, аҳоли кайфиятида кўтаринкилик бўлади.

Улуғ бобомиз Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида гигиена қондаларига амал қилиш баробарида атроф-муҳитни тоза тутиш, ободончилик ишлари, ариқ ва анҳорлар қазитиш, бог-роғлар барпо этиш саломатлигини сақлашда муҳим восита эканини қайд этган. Деҳқончилик, ерга ишлов бериш, томорқадан фойдаланиш “Авесто”да ҳам юксак даражада ўз ифодасини топган. Унда табиат, ер, сув, дарахт, ўсимликларни эъзозлаш, ерга ишлов бериш, сугориб, бог-роғ, экинзорлар бунд этиш ва бошқалар муқаддас саналган.

Обод маҳаллалар саришта кўча ва хонадондан бошланади. Сўнгги йилларда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурури, “Обод кўча”, “Обод хонадон”, “Обод маҳалла” мезонлари, “Яшил макон” умумий миллий лойиҳаси ҳаётимизга кенг татбиқ этилди. Натижада аҳоли масканлари, маҳалла кўриниши буткул ўзгариб, одамларимиз турмуш тарзи, оилаларда тўқин-сочинлик янада ортиб бормоқда.

Биргина “Обод кўча”, “Обод хонадон”, “Обод маҳалла” мезонларини олинг, бугун айни тамойил асосида ҳар бир хонадонга, ҳар бир кўча ва маҳаллага бунёдкорлик руҳи кириб борди. Ҳар бир киши масъулиятни чуқур ҳис этиб, тозалик, озодаликни ўз уйдан бошлаш, маҳалласи, кўчасини саранжом-сараншта, файли бўлишига ҳисса қўйиш, бу гўшалар чинакам обод масканларга айланишини ўз ҳаёти мисолида кўрапти.

Фикримизни аниқ мисоллар орқали давом эттирсак. Бу жараёнда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси қатор эзгу ташаббусларни ҳаётга татбиқ этди. Жумладан, жорий йилнинг 10 февралдан 10 мартга қадар барча маҳаллаларда “Долзарб бир ойлик” тадбирлари эълон қилинди.

Асосий мақсад ободлик, поклик, тозаллик каби халқона қадриятларни қайта жонлантириш, омаллаштириш, одамларнинг масъулиятини ошириш, ҳар бир хонадонда тозалик руҳини яратиш, шу орқали юртимиз ободлигини таъминлашдан иборат бўлди.

“Долзарб бир ойлик” тадбирлари доирасида 112 миң 801 та кўча, 2 миллион 368 миңдан ортиқ хонадонда ободонлаштириш ишлари бажарилди. 741 миң 917 та хонадон томорқаси чопилди. 888 километр ички йўл асфальтланди, 2201 километр йўл шағаллаштирилди, 68 миң 498 та тунел ёритиш чироғи ўрнатилди. 1,9 миллионга яқин сул, 843 миңдан ортиқ узум, 9 миллион 499 миңга яқин мева ва манзарали дарахт кўчати экилди. “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла” таловига старт берилди.

Шахсан ўзим Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳар бир хонадон, кўча ва маҳаллани обод қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўргандим. Биласизми, одамларимизга озгина йўл-йўриқ кўрсатсангиз, имконият яратсангиз, улар айдоқ чўлини ҳам боғу бўстонларга айлантиришга қодир.

Буни биргина Пешку туманидаги Ибн Сино маҳалласи мисолида кўриб, амин бўлдим. Бу ерда деҳқончилик, иссиқхоначилик бўйича ўзига хос тажриба мактаби яратилган. 154 та томорқа ер эгаси ихтиёридаги 185 гектар экин майдонидан самарали фойдаланган ҳолда йилга икки-уч марта ҳосил олади. Жумладан, Мустақим Тошов 10 сотих майдондаги иссиқхонада йилга 1,2 миллион туп кўчат, шундан 600 миң туп помидор, 400 миң туп бодринг, 100 миң туп булғор қаламپири ва 100 миң туп қовун-тарвуз кўчати парваришлайди. Жами йиллик даромад 2 миллиард сўм, шундан 1,6 миллиард сўми соф фойда. Ушбу иссиқхонада 20 кишининг бандлиги таъминланган.

Маҳаллаларни обод қилиш бўйича йўлга қўйилган “Долзарб бир ойлик” тадбирлари



# УЙ, КЎЧА, МАҲАЛЛА ОБОДЛИГИ ҚАЛБ ОБОДЛИГИДИР

**Қаҳрамон ҚУРОНБОЕВ,**  
Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси, сиёсий фанлар доктори, профессор

кутганимиздан-да самарали натижаларга бой бўлди. Бу жараёнда “маҳалла еттичилиги”, уйбоши ва кўчабошилар, нурунийлар ташаббуси кўлга олиб, юртимизнинг ҳар бир маҳалласида ҳашарлар ташкил этди. Жамоатчилик назоратини йўлга қўйиб, хонадонлар, кўчалар ободлигини таъминлади.

Тажриба тариқасида амалга оширилган ташаббус кенг қулоқ ёйиб, кўлаб маҳаллалар фаровонлиққа эришди. Бу йилнинг сентябрыда Президентимизнинг “Маҳаллаларда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилиниши бу борадаги ишларни янги bosқичга кўтариб, барча маҳалла аҳлини руҳлантирди, ободлик ҳаракатини тартибли ва тизимли йўлга қўйиш имкониятини яратди.

Фармойишга асосан, 2025 йил 11 мартдан бошлаб “Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги эълон қилинди. Унинг доирасида маҳаллаларда 29 миңга кичик ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва хунармандлик лойиҳаси амалга оширилди. Аҳоли хонадонларига 1,23 миллион бош парранда, 24 миң асалари оиласи, 21 миң бош қўй-эчки ва қорамол етказиб берилди. 400 миң гектар аҳоли томорқаларида ҳамда 180 миң гектар ижара ер майдонларида сабзавот, полиз, картошка, дуккакли ва бошқа сердаромад экинлар экилади.

Маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари, оммавий ҳашарлар ташкил этилади. “Яшил макон” умумий миллий лойиҳаси доирасида, шунингдек, камбағал оилалар хонадонларига кўчалар ўтказилади. Минитрактор ва мотокультиватордан фойдаланган ҳолда аҳоли томорқалари экин экишга тайёрланади. Камбағал оилалар аъзолари ҳамда ишсиз фуқароларга молиявий кўмак пакетлари (ихчам иссиқхона, парранда, балиқ, чорва моллари, асалари қўтлари, лимон, хурмо ва бошқа экинлар уруғ ва кўчатлари) тақдим этилади.

**Анъаналар давом этади**

Ободликка бир ёки икки кишининг сайёҳаракати билан эришиб бўлмайди. Бунинг учун одамларда жамоавий масъулият, дахлдорлик туйғуларини кучайтириш лозим. Бу борада халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган қадриятларини муҳим тутати.

Халқимизда “Куш уясидида кўрганни қилди”, деган нақл бор. Фарзандларимиз қалбида ободликка меҳр уйғотиш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш туйғуларини тарбиялашда айнан оиланинг ўрни ва таъсири хал қилувчи аҳамият касб этади. Келинг, буни айрим мисолларда кўриб чиқамиз.

**Азалдан қизларимиз, келинларимизнинг эрта саҳар турниб, ҳовлига сув сепиши, кўча эшик олдини супуриши анъанасига**

айланган. Ҳатто янги келинлар орасида ким эртароқ туриб, эшик олдини супуриш бўйича ўзига хос мусобақалар мавжуд эканига гувоҳимиз. Масаланинг яна бир нозик жиҳати — агар қўшининг ёш келини бўлмаса ёки тоби қочиб қолса, унинг кўчасини ҳам тозалаш анъанаси аёлларимизнинг ўзига хос бағрикенглигидан далолат эмасми?

**Қадимдан бирор хонадонга қиз сўраб борган совилар, аввало, ҳовлининг озодаллигига эътибор қаратган.** Секингина гилам тағлари, ошхона ва хожатхонага назар ташлаб, оила тутуми, қизнинг қанчалар чаққон ва эпчил эканини билиб олишган. Ҳовлига экилган ҳамда хонаки гуллар парвариши ҳам шу хонадон бекасининг нечоғлик табиатга ошно экани, қалбни яратувчанликка интилиши ва гўзалликни севинишдан гувоҳлик бериб келган. Айниқса, шом вақти уйдан таралган райҳон хидлари қалбга қадар хушбўйлик олиб кирган.

Қизларимизга уйни саранжом-сараншта, тоза тутиши кераклиги доимо ўқитиб келинаётган. Агар дарвоза тепасида ёки уйлар пештоқида, дараза ойнасида чанг бўлса ёки тортанак уя курган бўлса, ушбу ҳол оиланинг қизлари обрўсига путур етказган. Бувиларимиз ёш қизларга тоза уйга фаришталар келишини, агар унга ривож қилмаса, уйдан барака кетишини хот-бот-бот ўқитиришди. Кузатган бўлсангиз, ҳатто қандирочлар ҳам барака ёққан уйга ин қуриб, шу ерда полагонини катта қилади.

Ёхул **бобоси ва отаси билан бирга дарахт эккан**, уни парвариш қилишда иштирок этган, томорқаси, ҳовлиси тозаллигини таъминлаган боланинг онгу тафаккури ўзгача

**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ҲЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**



бўлади. Она юртга меҳр ва садоқат руҳида камол топади. Ўзи эккан ниҳол унинг-ўсаётганини кўрган боланинг қалбидаги орзу-мақсадлари ҳам юксак бўлади.

Кўриб турганимиздек, **халқимизда ободлик, уйини, кўчасини тоза тутиш, кўчат экиб, бог яратиш азалдан энг эзгу амаллардан саналган.** Халқимиз кўкмак келганини шунчаки байрам, уйин-кўгли қилиб кутиб олган. Ҳамжиҳат бўлиб кўчаю хибобларни, йўлларни, ариқларни тозалаш. Бундай хайрли анъаналар шу зайдда авлоддан авлодга ўтиб, қадрият даражасига кўтарилган.

**Бугун ана шу анъаналар, қадриятларни қайта жонлантириш, янада омаллаштириш фурсати етди!** Фарзандларимиз қалбида ободлик, поклик, меҳнат тарбиясини болаликдан шакллантиришга эътибор қаратиш вақти келди. Бу жараёнда ҳар биримиз ўз хонадонимизни обод қилиш борасида қилаётган амалий ишларимиз, ибратли ташаббусларимиз, чинакам жонқуярлигимиз билан намуна бўлишимиз лозим. Одамларда тозалликка, ободликка эътиборини кучайтирайлик! **Зотан, юриш-туриши, яшаш покиза халқнинг фикри ҳам, нияти ҳам покиза бўлади!**

Шу ўринда бир таъкид: албатта, зиммамиздаги ишларни амалга ошириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ҳар биримиз, энг аввало, “маҳалла еттичилиги” вакиллари, уйбоши ва кўчабошилар, жамоатчилик тизимлари аъзолари фаол бўлиши, одамларни уйғотиши, ҳаракатга келтириши зарур. Ташаббусни қўлга олсак, одамларнинг дунёқарши, фикрини ўзгартирсак, ижтимоий фаоллигини кучайтирсак, маҳалла ҳал қила олайдиган масаланинг ўзи бўлмайди!

**“Уйнинг обод бўлса, кўчанг обод бўлади, маҳалланг обод бўлса, қалбинг обод бўлади”,** деган ҳаётий шиор ҳар бир маҳалла ходими фаолиятининг дастуруламалига айланиши зарур!



**Фазилатлар акс этган маскан**

Халқимиз баҳор келиши билан яхши ният қилиб ерга уруғ қадайдди, деҳқончилик ишлари бошланади. Кўчат экилиб, яшилликка интилиш кучаяди. Зотан, бу ҳам ўзбек оиласининг қадрияти!

Оилада фарзанд туғилганда, албатта, унга атаб дарахт экилган, меваси рамзий маънода авлодни аниқлаган. Экилган дарахтнинг кўкка буй чўзиши фарзанд камолотидан дарах берган. Ниҳодан ўтатган ёшлар мана шундай бахтли онлардан эсдалик сифатида яхши ният билан ерга ниҳол қадаган.

Ижтимоий ҳимоя масаласи тарихан ватандошларимизга яқин тушунча. Авваллари кўни-қўшнлар орасида девор ҳам бўлмаган. Одамлар бирор таниқроқ егулик тайёрлайдиган бўлса, албатта, уни қўшинига илинган. Кимдир бетоб бўлиб қолса ёки шифохонада даволаниб чиқса, яхши таомлар тайёрлаб, йўқлашни қанда қилмаган. Шу баҳона бир-биридан кўнгли сўраб, руҳан далда берган.

Бу вақтда, айниқса, қўшнилар билан алоқалар жуда яхшиланади. Бирор нима керак бўлса, ўғил-қизини ёрдамга жўнатиб, кўмакка ҳозирланади. Ота-оналар доимо фарзандларига қўшнилар билан дўстона алоқада бўлишни ва уларга ёрдам беришни ўргатишади. Маҳаллада мана шундай қадриятлар сабаб ҳамма бир-бирини танир, доимо ёрдамга ҳозирдир.

Шуқри, бу жиҳатлар бугун ҳам маҳаллаларда бардавом. Қарияларни қадрлаш, ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, нон ва нозу неъматлар билан ҳолидан хабарлашни бориб, дуоларини олишни ҳали-ҳамон ёшларимиз фарзандлик бурчи деб билади. “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида қийналган, эҳтиёжман оилаларни қўллаб-қувватлаш, улардаги ишсизлар бандлигини таъминлаш доимий эътиборда.

Биргина 2024 йилда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, маҳаллалар кўмағида 754 миңдан зиёд ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди, 194 миңга яқин фуқаро тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди, 472 миңдан ортиқ фуқарога кредит ва 48,2 миң нафарига субсидия ажратилди. 165 миң 729 киши (жумладан, 69,6 миң хотин-қиз ва 96,1 миң ёш) касб-ҳунарга, тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди.

Ажралиш ёқасига келиб қолган 30 миң 513 та оила яраштирилди. Кам таъминланган 197 миң 201 та оиланинг уй-жойлари ҳашар йўли билан таъмирланди. Сайхун-обод, Зарбдор, Гиждувон, Уйчи тажрибалари асосида 4,7 миллионга хонадонда томорқадан қўшимча даромад олиш тизими йўлга қўйилди. “Темир дафтар”га киририлган 24 миң 964 та оила, “Аёллар дафтари”даги 106 миңдан зиёд хотин-қиз ва “Ёшлар дафтари”даги 97 миңга яқин ёшга моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Ижтимоий ҳимоя, саховат, ҳайру эҳсон каби эзгу амаллар муборак Рамазон ойида янада ёрқинроқ намён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг “Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан, ушбу фазилатли айём юртимизда **“Рамазон — саховат, бирдамлик ва бағрикенглик ойи”** гоёси асосида ўтказилган.

Бу табаррук кунларда эҳтиёмандлар, илм-маърифат йўлида изланаётган ёшларга ёрдам беришнинг давом эттириш, озодалик, тозаллик ва поклик бобида аждролар тутган ва эътироф этган тўғри йўлдан бориш демақдир.

Умуман, халқимизга хос бирдамлик, ҳамжиҳатлик, аҳиллик, ўзаро бир-бирини қўллаб-қувватлаш, маҳалла-кўй, теварак-атрофни тоза ва озода сақлаш фазилатлари ҳашарларда ўз ифодасини топган.

**Саховат, бирдамлик ва бағрикенглик уйғунлиги**

Бугун ҳар бир юрдошимиз қалбида ота-боболаримиздан мерос жўмардлик, тантилик ва бағрикенглик хислатлари жўшиб турибди. Айниқса, бу Наврўзда бор буй-басти билан намён бўлади.

Ҳафталик доирасида ҳар бир маҳаллада “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла”, “Энг намунали маҳалла еттичилиги” кўрик-танловлари, “Энг яхши маҳалла кутубхонаси”, “Қизлар одоби тарғиботчиси” танловлари ташкил этилади. Аҳоли ўртасида миллий уйинлар ва аския сайилари ўтказилади.

Ёшлар ўртасида “Мен ўқиган китоб” кўрик-танлови, “Маҳалла — менинг ниҳонимда” расмлар ва фотосуратлар танлови, “Маҳалламни қуйлайман” шиори остида қўшиқлар танловини ўтказиш орқали йигит-қизлар иқтидори юзага чиқарилади. Кўча театрлар ва кинофильмлар намойиши ўтказилади, шунингдек, бўш иш ўринлари ва китоб ярмаркалари ташкил этилади.

“Оила муқаддас” шиори остида оилаларни яраштириш ва ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш чоралари кўрилади. Ёшлар ўртасида “Кувноқ спартакиада”, футбол бўйича “Маҳалла кубоғи” мусобақаси, кексалар ўртасида шахмат бўйича “Ақл чарчи” турнири ўтказилади. Нуруний кексаларни эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам бериш, хонадонларида ва томорқасида ҳашар ўтказиш билан боғлиқ хайри тadbирлари уюштирилади.

Намунали маҳаллалар тажрибалари, шунингдек, “туризм қишлоғи”, “туризм маҳалласи” макомини олган қишлоқ ва маҳаллалар фаолиятини омаллаштириш бўйича семинарлар ташкил этилади. Халқ депутатлари, барча даражадаги давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз маҳаллаларида аҳоли билан мулоқотлари бўлиб ўтади.

**Жамиятнинг ёруғ юзи, виждонимиз кўзгуси**

Биз маҳалла деганда, дунёда камдан кам учрайдиган, инсонни жамият билан уйғун бўлиб яшашга ўргатиб, бағрикенглик руҳида тарбиялайдиган, халқ билан давлат ўртасидаги ишончли кўприк вазифасини бажарадиган ноёб тизилмани тушунамиз. Айни пайтда ҳар бир инсон, миллиати, тили ва динидан қатъи назар, ўз ҳаётини, қувончу ташвишларини маҳалладан айри ҳолда тасаввур эта олмайдди.

Бу йилги байрам доирасида “Маҳалла — жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси” гоёси остида 22-28 март кунлари барча худудларда “Маҳаллаларда миллий қадриятларни мустаҳкамлаш ҳафталиги”ни ўтказиш кўзда тутилган.

Ҳафталик доирасида ҳар бир маҳаллада “Обод хонадон”, “Обод кўча” ва “Обод маҳалла”, “Энг намунали маҳалла еттичилиги” кўрик-танловлари, “Энг яхши маҳалла кутубхонаси”, “Қизлар одоби тарғиботчиси” танловлари ташкил этилади. Аҳоли ўртасида миллий уйинлар ва аския сайилари ўтказилади.

Ёшлар ўртасида “Мен ўқиган китоб” кўрик-танлови, “Маҳалла — менинг ниҳонимда” расмлар ва фотосуратлар танлови, “Маҳалламни қуйлайман” шиори остида қўшиқлар танловини ўтказиш орқали йигит-қизлар иқтидори юзага чиқарилади. Кўча театрлар ва кинофильмлар намойиши ўтказилади, шунингдек, бўш иш ўринлари ва китоб ярмаркалари ташкил этилади.

“Оила муқаддас” шиори остида оилаларни яраштириш ва ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш чоралари кўрилади. Ёшлар ўртасида “Кувноқ спартакиада”, футбол бўйича “Маҳалла кубоғи” мусобақаси, кексалар ўртасида шахмат бўйича “Ақл чарчи” турнири ўтказилади. Нуруний кексаларни эъзозлаш, кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам бериш, хонадонларида ва томорқасида ҳашар ўтказиш билан боғлиқ хайри тadbирлари уюштирилади.

Намунали маҳаллалар тажрибалари, шунингдек, “туризм қишлоғи”, “туризм маҳалласи” макомини олган қишлоқ ва маҳаллалар фаолиятини омаллаштириш бўйича семинарлар ташкил этилади. Халқ депутатлари, барча даражадаги давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз маҳаллаларида аҳоли билан мулоқотлари бўлиб ўтади.

Ободлик кўнглидан, кўнглини олишдан, қилган ишларимиз натижаси ва халқ розилигидан бошланади. Ободлик бор жойда кўч-барака, доимий ривожланиш ва келажакка ишонч бўлади. Айниқса, маҳаллангиз ораста бўлса, қалбингиз қувончга тўлиб, меҳнатга, вазифангизга ҳам шундай кайфият билан киришасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, Президентимизнинг “Маҳаллаларда томорқалардан самарали фойдаланишни ташкил этиш орқали аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида “маҳалла еттичилиги”, маҳалла фаоллари, уйбоши ва кўчабошилар, интиланларга жамоатчилик тизимлари аъзолари қўйидаги устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратишни зарур деб ҳисоблаймиз:

— Маҳаллаларда, шаҳар ҳамда қишлоқларда тозалик, оммавий ҳашар ва ободлик тадбирларини уюшқоқлик билан ўтказиш;

— юрт ободлиги, уйинлар фаровонлиги йўлида ҳамжиҳат бўлиш, бирлашиш, ҳар бир хонадон, кўча ва маҳаллалар ободлиги учун масъулиятни зиммамизга олиб, одамларни мақсад сари ҳаракатга келтириш;

— ижтимоий масъулият, меҳнат тарбияси, дахлдорлик туйғусини кучайтириш, фарзандларимизда болаликдан ҳалоллик, поклик фазилатларини шакллантириш.

Бу ўринда, энг аввало, уларга ўзимиз намуна бўлиб, уйимиз, томорқамиз озодаллигини таъминлашимиз, биргалликда дарахт экиб, экологик маданиятга ҳисса қўйишимиз зарур. **Зотан, уйда олинган тарбия, ота-онанинг ибрат фарзанд келажакда муҳим ўрин тутади.**

Эрта саҳардан кўча эшик олдини супуриб, ҳовли ва кўчаларни озода сақлаш аслида азалий одат ва қадриятга айланган. Бу қадриятлар билан уйғун тарзда фарзанд туғилганда унга атаб ниҳол эксан, ниҳодан олдин ёшларимиз яхши ният билан ерга кўчат қадаसा, маҳаллаларимиз қисқа фурсатда яшилликка бурканди.

Дарахт экиш ва уни парваришланиш мажбурий эмас, қадрият сифатида қабул қилсак, биздан фарзандларимизга обод, яшилликка бурканган гўзал ватан мерос қолади.

# “Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги



# КЎКЛАМНИНГ ҲАР ФУРСАТИ ҒАНИМАТ

**Туркистон тоғ тизмалари этагида жойлашган Бахмал туманида бошқа ҳудудларга қараганда қиш барвақт бошланиб, баҳор кечроқ келади. Одатда Жиззахда ўрик довчалаган пайтда Ойкор этагидаги қишлоқларда эндигина гуллайди. Бу йил қиш яхши келиб қор меъёрида бўлди, баҳор ҳам ўз вақтида келди.**

Қишлоқ одамларининг кайфияти табиатга боғлиқ. Ҳамал юмшоқ келаётганидан ҳам бахмалликларнинг кайфияти баланд. Шу боис, Президентимизнинг “Камбағалликни қисқарттириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони ҳамда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурида белгиланган вазифалар катта кўтаринкилик билан бажарилмоқда.

Жиззах вилоятида етиштирилган мева ва узумнинг энг кўпи Бахмал тумани ҳиссасига тўғри келди. Бироқ туманда сув тақчиллиги асосий муаммо. Гарчи Сангзор дарёси ва Туятюр канали туман ҳудудидан ўтса-да, бу сув манбаларидан баледада жойлашган кўп-лаб қишлоқларда томорқани барқарор таъминлайдиган сув йўқ.

Бугун туман қишлоқларида камбағалликни қисқарттиришда томорқалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишдаги ишларда асосий эътибор аҳолининг томорқа хўжалигини сув билан таъминлашга қаратилган. Бу ишлар Президентимиз белгилаб берган янги тизим — аҳолининг томорқа ва ижара ердан самарали фойдаланишида асосий омил бўлмоқда.

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида 2024-2025 йилларда вилоятда аниқ тақлифлар ва индивидуал ёндашувлар ишлаб чиқилиб, шу асосда ҳудудлар бўйича оғир ахволга тушиб қолган 58 та маҳалла танлаб олинган эди. Бундай маҳаллаларда, биринчи навбатда, сўғориш тизимларини яхшилаш чораси кўрилиб, хонадонлар оқар сув билан таъминланмоқда. Ушбу лойиҳа тўла амалга оширилмади, 57 минг 500 хонадон томорқасига обихаёт кирди. Бахмал туманидаги Сангзор ана шу маҳаллалардан бири.

Сангзор маҳалласи ёнидан шу номдаги дарё оқиб ўтиши ҳисобга олинса, бу ерда сув танқис бўлишига ишониб қийин. Аммо бу дарё фақат сангзорликларга тегишли эмас.

Унда дарёнинг қуйи қисмида жойлашган Жиззах шаҳри, Ғаллаорол, Шароф Рашидов туманларидаги яна юздан зиёд қишлоқ ва маҳалланинг ҳақи бор. Шу боис, ҳар бир қишлоққа бериладиган сув қатъий ўлчовли. Бунинг устига қишлоқ ёш оилалар ҳисобига тез кенгайиб, энди қишлоқ четигада оқар сув бормайдиган қир ёнбағрида ҳам янги ховлилар пайдо бўлмоқда.

Айни пайтда 5500 дан зиёд одам яшайдиган бу маҳаллада “Обод хонадон — обод кўча — обод маҳалла” мезонлари асосида кенг кўламли ишлар бажарилмоқда. Биринчи навбатда, сув билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун еттига артезиан қудуғи қазилмоқда. Унинг биринчиси фойдаланишга топширилди.

Аҳоли асосан, боғдорчилик, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Ҳар бир хонадонда ўртача 25 сотихли томорқа мавжуд. Одамлар баҳорги юмушларга астойдил киришади.

— Томорқа қишлоғимиз аҳолисининг асосий даромад манбаи — дейди меҳнат

фахрийси Умар Нурбоев. — Айниқса, боғдорчилик ривожланган. Томорқамизнинг асосий қисми олмасор. Олма экилмаган ховли йўқ ҳисоби. Одамлар бу мевани етиштиришнинг сир-асорини яхши билди. Шунинг учун ҳар йили мўмай даромад топтоқда. Давлатимиз томонидан томорқачиликни ривожлантиришга қаратилган эътибор туфайли боғдорчиликдаги ишлар тақомиллаштириб, сўғоришнинг замонавий технологиялари қўлланяпти.

Боғдорчилик ота мерос бўлган сангзорлик барча боғбону соҳибдор яхши ниятда кўчат экиб, боғ барпо этиш билан банд. Давр бу тармоқда ҳам ердан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, сифатни яхшилаш, сотиш, сақлаш, махсулот танархнин арзонлаштиришда қатор янги муаммоларни ҳал этиш вазифасини қўймоқда.

Давлатимиз эътибори туфайли боғдорчиликни ривожлантиришга ёндашувлар ўзгарди. Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиқлари, махсулотни сақлаш, сотиш билан шуғулланувчи корхоналар, хориж технологияси асосидаги интенсив боғлар кўпаймоқда.

Маҳалладаги Дурбоевлар хонадониде мевали даракларга ишлов бериш баробарида жорий мавсумда 100 туп мевали даракт кўчати экилган.

— “Маҳалла еттилиги” кўмаги билан боғимизни кенгайтирдик, — дейди уй

бекаси Назоқат Нурбоева. — Кўчатлар ҳосилга киргунча орасига картошка, пиёз, сабзи, турли кўчатлар экдик. Насиб этса, томорқамиздан яхшигина даромад олишни ният қилганмиз.

Бугун маҳаллада томорқадан унумли фойдаланаётган оилалар кўп. Маҳалланинг чекка қисмида яшайдиган одамларнинг томорқасига сув келиши Наврўз байрами тантаналарига улашиб кетди. Сув муаммоси ҳал этилиши билан бир гектарга яқин майдонда боғ барпо қилинди.

Сув танқислиги туфайли томорқадан фойдалана олмаётган аҳоли манзилларидан яна бири Пахтакор туманидаги Сувонобод маҳалласидир. У ерда ҳам мазкур дастур асосида ишлар бажарилмоқда. Хусусан, маҳалладаги ариқларнинг жами 3 километр 840 метр қисмига лоток ётқизиш режалаштирилган. Ҳозир бир километрга лотоклар жойлаштирилган. Ушбу ишлар учун 1 миллиард 445 миллион сўмга яқин маблағ сарфлангани кўзда тутилган.

Бу маҳалла аҳолисининг ҳам узоқ йиллик орузси ушладди: томорқасига оқар сув етказиб берилди. Сувонободликлар томорқасида турли-туман махсулот етиштириб, қўшимча даромад топиш имконияти пайдо бўлганидан гоят мамнун.

— Кейинги йилларда сув етишмаслиги камбағалликни қисқарттиришга жиддий тўсиқ бўлаётган эди, — дейди “Сувонобод” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Умурзоқов. — Олдин полив ва мева-сабзавотни бозордан харид қилардик. Сув келган, ҳамма томорқасига помидор, бодринг, сабзи, пиёз, картошка ва бошқа экинлар эмкида. Илгари томорқамиз бекор ётарди, экилган даракларимиз қуриётганди. Ҳозиргача 216 хонадон оқар сув билан тўлиқ таъминланди. Насиб қилса, яна томорқаларимиздан яхши даромад топамиз, ҳам бозорларимизнинг тўкиниликка ҳисса қўшамиз.

Шаҳар ва қишлоқларда “Долзарб бир ойлик” сафарбарлиги қизгин давом этмоқда. Бу ҳаракатда ёшлар фаоллик кўрсатиб, кўпни кўрган қариялар бош-қош бўлмоқда. Одамлар 2025 йил баҳори юртимизга фаровонлик, барака олиб келишига умид, яхши ният билан ҳаракат қилмоқда.

**Фарҳод НЕЪМАТОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

# МУЛОҚОТ ШАКЛЛАРИ ТУРФА, АММО МОҲИЯТ ЎЗГАРМАЙДИ

Бугуннинг тапи

Яқинда онлайн платформа орқали бир йиғилишда иштирок этишга тўғри келди. Аслида, бу янгилик эмас. Чунки пандемия даврида фаол фойдаланила бошлаган ушбу мулоқот тури бугун анча оммалашган. Мулоқотда айна пайтда тобора жиддий тус олиб бораётган сув тақчиллиги ва обихаётни асраб-авайлаш мавзуси кўтарилди. Сув тириклик учун қанчалик керак бўлса, уни тежаш ҳам шунчалик долзарб бўлиб бормоқда. Мулоқот, мулоҳаза, учрашув қай кўринишда бўлишидан қатъий назар, мавзу моҳияти ўзгармайди: сувни ҳар қачонгидан кўра қадрлашимиз, тежашимиз керак.



## Мавсум бошланмоқда, сув етарлими?

Қишлоқ хўжалигида сўғориш мавсуми апрелдан бошланади. Шу боис, аввалбошдан “Бу йил деҳқонларимиз учун қандай келмоқда? Мавсумда сув етарли бўладики?” деган саволга жавоб берилди.

Мутахассисларнинг айтишича, 2025 йилнинг 18 мартгача юртимиздаги сув омборларига жами 13 миллиард куб метр сув йиғилган. Тақдослайдиган бўлсак, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фўиз кўп. Бироқ Гидрометеорология хизмати агентлигининг таҳлили ва дастлабки баҳолашига кўра, Амударё ва Сирдарё ҳавзаларида 2025 йил сўғориш мавсумида кутулаётган сув миқдори меъёрга нисбатан кам бўлади. Хусусан, Қашқадарёда 65-75 фўиз, Сурхондарё, Қорадарё, Чирчиқ ва Охангаронда 70-80 фўиз, Зарафшон ва Фарғона водийси шимолидаги дарёларда 75-85 фўиз, Вахш ва Норин дарёсида 90-100 фўиз, Фарғона водийси жанубидаги дарёларда меъёрдан 95-105 фўиз бўлиши кутулкида.

Айни пайтда юртимизда ҳаво ҳарорати мавсумга нисбатан юқори. Бу туپроқда нам қамайишига олиб келади. Сувга талаб эса ортади. Демак, ундан янада оқилона, одилона фойдаланиш зарур.

## Ўзига хос тажриба

Мамлакатимизда сувни тежаш бўйича кўрилатган чоралар йил сайин кенгайиб бормоқда. Бу — давр зарурати. Чунки Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун сарфланадиган сувнинг асосий қисмини қўшни мамлакатлардан олади. Йиллик ёгингарчилик миқдорига қараб 15-20 фўиз сув мамлакатимиз ҳудудида ҳосил бўлади.

Юртимизда сув танқислиги 2030 йилга бориб, 15 миллиард куб метрни ташкил қилиш эҳтимоли бор. Илгари ишлатилган йиллик 60-64 миллиард куб метр ўрнига сув таъминоти бугунга келиб, 51-53 миллиард куб метргача қамайган. Экологик вазият, иқлим ўзгариши ва бошқа омиллар сувдан мурося қилиб фойдаланишни тақозо этади. Шу боис, сўнгги йилларда минтақа мамлакатлари ўртасида трансгегаравий сув ресурсларини бошқариш дўстлиги, яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш руҳида амалга оширилмоқда. Бу эса қўшнилар билан сув хўжалиги соҳасида йиғилиб қолган кўп йиллик муаммоларни осон ҳал қилиш имконини бермоқда. Яъни сув кириб келиши ва сарфи йил сайин қамайиб бораётгани ҳақиқат. Шундай экан, унинг ўрнини қандай тўлдирishi мумкин? Албатта, тежамкорлик билан. Каналларни бетонлаш, тежамкор технологияларни жорий этиш, соҳани рақамлаштириш, сувни самарали бошқариш қарамлиги 2025 йилда 10 миллиард куб метр сувни иқтисод қилиш кўзда тутилган.

Президентимизнинг 2025 йил 30 январдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Атроф-муҳитни асраш ва яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармонида сув хўжалиги соҳасига доир муҳим вазифалар белгилаб берилган. Жумладан, унга кўра, минг километр канал бетон қопламга ўтказилиб, сув тежамкор технологиялар қамровини 1,6 миллион гектарга етказиш ҳисобига йиллик қўшимча 2,5 миллиард метр куб сувни тежашга эришиллади.

Насос станцияларида эскирган насос ва электр двигателларини замонавий, энергия тежамкорларига алмаштириш орқали электр энергияси истеъмоли 300 миллион киловатт-соат қамайтирилади. Ирирригация ва мелiorация тизимлари объектларини куриш ва реконструкция қилиш билан 390 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерининг сув таъминоти яхшиланади.

Бундан ташқари, фармон билан “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналиши бўйича 2025 йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режаси тасдиқланди.

Бу йил 500 минг гектар майдонда сув тежамкор технологиялар ўрнатилди. Шундан 75 минг гектарда томчилатиб, 35 минг гектарда ёмғирлатиб сўғориш йўлга қўйилди.

## Тежамкор технологиялар жорий этиш ишлари суст кетаяптими?

Сув хўжалиги вазири Шавкат Ҳамроевнинг айтишича, бугунги натижалар таҳлиллардан келиб чиқилса, мамлакатимизда сув тежамкор технологияларни жорий этиш даражаси паст эмас.

2019 йилгача шундай технологиялар жорий қилинган майдонларнинг умумий кўрсаткичи 28 минг гектарни ёки сўғориладиган майдонларга нисбатан 1 фўизни ташкил этган. Ўтган даврда 563 минг гектарда томчилатиб, 92 минг гектарда ёмғирлатиб, 59 минг гектарда дискрет ва 174 минг гектарда бошқа турдаги сўғориш технологиялари жорий қилинди ҳамда 1,2 миллион гектар ер лазер ускунаси ёрдамида текисланди. Бугун жами 1,9 миллион гектарга ёки уларнинг умумий

кўрсаткичи сўғориладиган ер майдонига нисбатан 46 фўизга етказилди.

Шунингдек, ҳозир ерни сўғоришга давлат бюджети ҳисобидан 1700 га яқин насос станцияси ишлатилмоқда. Улар томонидан 2017 йилда 8,3 миллиард киловатт-соат электр энергияси сарфланган бўлса, тежамкор технологиялар ҳисобига ўтган йилда 6,5 миллиард киловатт-соатгача қамайтирилди. Йиллик лимитга нисбатан 300 миллион, 2017 йилга нисбатан 1,8 миллиард киловатт-соат электр энергияси тежалди.

Умуман, Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида 2030 йилга қадар қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган майдонларда тўлиқ сув тежамкор технологиялар жорий қилиниши белгилаб олинган. Бу вазифа уч-тўрт йил ичида удалланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ўзининг сув кодексига эга бўляпти. Сенат ушбу кодексни маъқуллади. Бу сайё-ҳаракатлар мамлакатимизда сувни тежаш, асраш, самарали фойдаланиш ва бошқариш ишлари бундан кейин ҳам изчил давом этишидан далолат беради. Бу тўғри йўл. Чунки сув масаласи мавсумий, бир ёки икки йиллик мавзу эмас. У доим керак ва уни асраш ҳар биримизнинг вазифамиз бўлиши шарт.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

## Қулайлик

# ЭНДИ ОЙЛИК ВА БАЙРАМ ПУЛИ ТУШМАСЛИГИГА ДАМ ОЛИШ КУНЛАРИ САБАБ БЎЛОЛМАЙДИ

**Илгари биргина фойдаланилган электр энергиясига пул тўлаш учун туман марказига бориб, касса олдида соатлаб навбат кутишга тўғри келарди. Тўлов қиванциясини олиш, ҳисоблагич китобчасига муҳр бостириш керак эди. Агар фуқаро қарздор бўлгани учун хонадони электр таъминотидан узилган бўлса, уни қайта улаштириш, алоҳида дахмаза эди. Ортиқча оворагарчилик, қоғозбозликка айланарди.**

Баъзилар кўзойнақ тақиб, папка қўлга олиб сохта масъуллар фириб қурбонига айланса, айрим “ишбилармонлар” текшируви билан келишиб, ойлаб эмас, йиллаб коммунал тўловларни тўламай юраверарди. Бугун эса тармоқда инсон омилидан холи, замонавий технологияларга асосланган рақамли иқтисодиёт тағбиқ этилгани қийинчиликларни ўтмишга айлантириб, порахўрлик ҳамда қоғозбозлик сингари иллатларни илдириш билан қўпориб ташлади.

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг яқинда ўтказилган йиғилишида давлатимиз раҳбари коррупцияни жамият танасидаги саратонга қиёсларкан, унинг бирламчи давоси соҳага рақамли иқтисодиётни жорий этиш эканини таъкидлади. Дарҳақиқат, тўлов тизими рақамлаштирилгани жамият ривожига сезиларли ҳисса қўшди. Масалан, ҳозир уйингизда чироқ ўчиб қолса, “Click”, “Payme” ёки тижорат банкларининг мобил иловаси орқали ҳисобингизни тўлдирсангиз бас, ёнади.

Коммунал, бюджет, давлат хизматлари марказлари, солиқ, божхона, қадастр, ДИХХ, GM Uzbekistan ва яна бир қанча хизмат тури бўйича тўловларни тўлашда Марказий банк Ахборотлаштириш бош маркази давлат унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилган “MUNIS” тўлов тизимидан фойдаланиб келинмоқда.

“MUNIS” тўлов тизими орқали айни пайтда 50 дан ортиқ хизмат кўрсатувчи ташкилотга тўловларни тўлаш имконияти мавжуд. Шунингдек, Марказий банк томонидан “Тезкор тўловлар тизими” фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Ҳозирча юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар фойдаланаётган бу тўлов тизими тўғридан тўғри бир ҳисобрақамдан бошқа ҳисобрақамга пул тўлаш имконини беради.

Бу тизимнинг 24/7 режимда ишлаши тадбиркорлик субъектлари учун ҳам, бюджет ташкилотлари учун ҳам катта қулайлик яратяди. Масалан, тикувчилик устaxonасига эга тадбиркорга шанба куни катта миқдорда бюуртма тушди. Уни душанба кунгача бажариши лозим. Бунинг учун эса зудлик билан мато сотиб олиши керак. Аммо қўлида нақд пули кам. Айнан у айтган нарҳда мато сотаётган бошқа ишбилармон ҳисобрақамига пулни ўтказмаса ёки нақд шаклда тўламаса, мато беролмаслигини айтиди. Агар тадбиркор “Тезкор тўловлар тизими”дан фойдаланмаса, пул ўтказиш учун душанба кунини — банклар иш бошланиши кутишига тўғри келади. Бу эса тадбиркорнинг яхшигина бюуртмадан қуруқ қолишига сабаб бўлади. “Тезкор тўловлар тизими” эса масофавий хизмат кўрсатиш орқали хоҳ кундузи, хоҳ тунда бўлсин, тўловни бемалол тўлашда қулайлик яратяди.



Ёки бўлмаса бюджет ташкилоти бухгалтерия бўлими байрам олдида ходимларнинг муқофот пулини ҳисоблашга улгурмади. Энди ходимлар байрамни пулсиз ўтказишига тўғри келади. Аммо ташкилот “Тезкор тўловлар тизими”дан фойдаланса, байрам кунини ҳам ходимларнинг иш ҳақини тўлай олиш имкониятига эга бўлади. Мазкур тизимдан кейинчалик жисмоний шахслар ҳам фойдалана олиш ҳуқуқига эга бўлиши режалаштирилган. Улар “Тезкор тўловлар тизими”дан фойдаланиб, ҳисобрақамга пул ташлашдаги оворагарчилик, энг асосийси, ортиқча харажатдан қутулади.

Шу йил охирига қадар Марказий банк Ахборотлаштириш бош маркази ДУК ўзининг мобил иловасини тақдим этиши режалаштирилган.

— Ушбу мобил иловада кўп хизматлар бепул бўлиши кутулкида, — дейди Марказий банк Ахборотлаштириш бош маркази


ДУК директори Дилшод Сарихожаев. — Шунингдек, унинг ўзига хослиги номингиздаги барча пластик карта ҳақида маълумот олиш имконини ҳамда фаол бўлмаган карталарни ўчириш имконияти борлигидир. Албатта, бу мобил иловани хавфсизлик ва қулайлик нуқтан назаридан анча пухта ишлаб чиқилмоқда. Ушбу мобил илова келгусида фуқароларнинг тўлов имкониятини қарраб ортиради.

Тўлов тизимларининг йил сайин қулайлашиб бориши халқимиз учун ортиқча оворагарчилик ҳамда қоғозбозлик, сансалорликка дучор бўлмасликка замин яратяди. Хали бу соҳада қилиниши зарур бўлган ишлар кўп. Бугунги ҳаракатлар эртанги ютуқлар учун пойдевор бўлиши шубҳасиз.

**Санжар ЭШМУРОДОВ,**  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири


**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

Адабий ўйлар



Сухроб ЗИЁДОВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти таянч докторанти

Наврўз — миллатимизнинг асрий умидлари, эзгу ниятлари жам бўлган улуг айём. Лекин уни фақат миллати урф-одатлар тараннум этиладиған кун сифатида кўрсак, нуфузини анча тушириб қўйған бўламиз. Наврўз — коинот байрами, Кўеш ва Заминнинг ўзаро муносабатлари билан боғлиқ муҳим жараён. Бежиз Наврўзи олам — оламнинг янги куни деб аталмайди. Донишманд халқимиз эса уни асрлар бўйи кут-барака куни сифатида улуглаб келади.



ШЕЪРИЯТНИНГ НАВРЎЗИ

МУСТАҚИЛЛИК, ШАХС ЭРКИ, ТЕНГЛИГИ ҲАМДА ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ДЕМАК

Президентимиз ташаббуси билан юртимизда Наврўз умумхалқ сайилари "Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!" деган бош ғоя асосида кенг нишонланаётганида ўзгача маъно бор. Бу маъно шундан иборатки, Наврўз айёми кўп мингйиллик анъана бўлибгина қолмай, ўзида кўпга боқий қадриятларни жамлаб келатган комплекс тушувчидир.

"Наврўз куни эрксизларга эрк берар..."

Замонавий Ўзбек шеърияти асосчиларидан бўлган Чўлпон, ўз услубига кўра, Наврўзга мажозий маъно юклайди. Унинг 1921 йилда ёзилган "Наврўз кунинда" шеъриси бунга кўриш мумкин.

"Хира, ўчган, қирлик, кучсиз дилларга, Эрғу ёғду, турмуш селган янги кун", дер экан буюк Чўлпон фақат Наврўз байрамини назарда тутмагани аниқ. Кейинги мисрада шоирнинг мудароси аён бўлади:

"Сира севинч бермас ўзбек қизига, Йўқса, унга мангуликми қора тун?" "Турмуш селган янги кун" Ўзбек қизига севинч улашмаётгани, унинг гендер ҳуқуқлари топталмаётгани, умрига бахорий тенгқунлик ёт экани, мангу қора тунда яшашга маҳкум экани айтиб ўтилади. Шоир Наврўз айёмини шодиёна билан нишонлаётган эр-қизлар эмас, уйлардан кўчага чиқа олмаётган тутқун қизлар ҳақида қайғуради. Улар кўчалардаги ўйин-қўлғини деворлардан пойлаб томоша қилади:

Гулоӣ, Тўти, Қумри, Ойхон, Ерқинлар Наврўз куни деворларга қарайлар... Шеърда лирик қаҳрамоннинг тушкун руҳий ҳолати хира, ўчган, қирлик, кучсиз, қашшоқ, йўқсиз, тутқун, аччиқ, гина, қарғиш, қалин, оғир каби сифатлашлар, шунингдек, кўзёш, қора тун, қишан, зиндон, тор уй, девор каби деталлар орқали янада бўрттирилади. Лекин Наврўз — янги кун кайфиятини улашадиган севинч, энтиқиш, эзгу кун, гўзаллик, кенг дунё, чин эрк куни каби сўз ва иборалар, бу тушкунлик орасида "ярқ" этиб кўринади. Шоир эса шеърининг индалоғида очқич фикрни тақдим этади:

Наврўз куни эрксизларга эрк берар, Ўзбек қизи эркин кунда бўшолмай, Зиндон каби тор уйдан чиқмай, Қалин, оғир деворларни йиқолмай, Борлигини кенг дунёга отолмай, Чин эрк кунин кута-кута телмирар...

Чўлпон бунда Наврўзнинг муҳим бир сифатиغا урғу бераркан, "бу айёмда тутқунларга эркинлик берилди, нега энди ўзбек қизи эрка чиқолмайди?" деб савол қўяди. Ўз саволига ўзи жавоб бериб қўяди: "чин эрк куни ҳали келмайди". Демак, шoir учун ҳақиқий Наврўз — чин эрк кунинда, миллатнинг мустақиллиги кунинда келади. Чўлпон ижодида баҳор, кўклам, Наврўз ва унинг атрофида неки бадиий восита бўлса, барчаси эрк тисмоли бўлиб келади. Бу фикримизга шоирнинг "Кўклам келадир", "Бинафша", "Баҳор ва мен", "Яна кўклам", "Баҳорда", "Бойечак", "Кўклам ёмғири", "Баҳорини соғиндим" каби ўнлаб шеъри далил бўла олади. Агар бу шеърларда ҳар бир сўз шунчаки ўз маъносини — табиат ҳодисаларни тасвири сифатида қўлланганда Чўлпон биз билган Чўлпон бўлмасди. Яъни Чўлпон шеърятининг асли сири унинг тисмоларда яширин бадиийликта мужассам. Агар Наврўзни миллатнинг уйғониши, эркинлик туғилиши айёми деб тушунасак, Абдулҳамид Чўлпон ҳақиқий Баҳор ва Наврўз куйчисидир.

Умуман олганда, жаҳид даври лирик шеърятинида баҳор ва Наврўз мотивлари эркин, айётлар ҳуқуқини тасмил қилиб келади деб айтила оламиз. Бунга нафақат Чўлпон, шунингдек, Элбек ва Боту каби шоирлар ижодида ҳам кўриш мумкин.

"Наврўзи бедана ўрганиш сайрар..."

нишонлаш ўта қаттиқ назоратта олинган деб бўлмайди. Бу даврда кўклам айёми — меҳнат ва кураш тисмолига айланади. Бунга ушбу давр шоирлари ижодининг ҳар бирида кўриш мумкин. Ҳамид Олимжоннинг хозирга қадар халқимизнинг севимли кўшиқларидан бири сифатида куйлаб келинаётган "Урик гуллағанда" шеъриси ҳам бир дарахнинг гуллашидан бошланган поэтик кайфият ҳаёт, гўзаллик, бахт ҳақидаги кечинмаларга улаиб кетади. "Фақат бахтни куйлаган овоз" орқали:

Умирида ҳеч гул кўрмай йиғлаб Утганларнинг ҳақиқи бор сенда. Ҳар баҳорни йиғлаб қаршилаб Кетганларнинг ҳақиқи бор сенда... деганида бахт куйчиси Ҳамид Олимжон кимларни назарда тутган бўлиши мумкин! Гап шундаки, ушбу шеър 1937 йил баҳоринида ёзилган. Бу даврда миллат оидинларининг қатағонига старт берилган эди. Саналарга эътибор берсак, қатағон қамчиси 1937 йил ёзилган бошлаб серпалган бўлса, шoir бу шеърини ўрик гуллаган пайти, яъни эрта баҳорда ёган. Бундан шoir яқинлашиб келатган фожиянинг кўламини ҳис қилгани оидинлашади. Айнан шу даврдан сўнг баҳор мотиви янги ўзганга бурилди, дея оламиз. Энди баҳорга фақат бахт, омонлик, тўқинлик тисмоли бўлиш "вазифаси топширилади".

Бу даврда табиатнинг бетакор расмони билан устоз Ойбек ижодида ҳам лолалар — қизил байроққа (1926 йил), оқ гуллар — машъалга (1965 йил) айланади. Шундай бўлса-да, Ойбекнинг 60-йилларидаги баҳорий шеърларида лирик кайфият орғиб, сиёсий бўёқдорлик камава борган.



Бирок таомилга мувофиқ, лирик қаҳрамон иши билан банд: 1965 йилда ёзилган "Баҳор келди — кумушранг кимҳоб" шеъринида айтилишича, кутилмаганда бошланган ёмғирини катталар "бўри туғди", дея қаршиласа, болалар даладан шийпонга югуради, лекин бу узоқ қўзилмайди ва яна улар ёмғир инган далага қайтади. Кейинги йилларда ёзилган "Баҳор ёмғири" шеъриси эса ёмғир пайтида болалар "ток очар" билан машғул экани тасвирланади.

Гафур Гуломнинг шу даврда (1961 йил) ёзилган "Баҳор оҳанглари" шеъри: Урик гулларини эмар болари, Насрин япроғида титрайди шабнам, Илак қурти тухмида ҳаёт асару, Олам ниҳоқ оқшом бир зебо санам деб бошланади. Илк баҳор ва Наврўз айёми ўртасида юз берадиган ҳодисаларни шoir расмондан-да ортиқ тасвирлайди. "Оламини ниҳоқ оқшом", деб баҳо беради бу кунларга. Кейинги баҳорларда "Наврўзи бедана ўрганиш сайрар" дея илк кўкламнинг таърифи обдан берилар экан, шеър сўнгинда:

Тонгатар уфқни лоладай йиртар Тинмағур меҳнатини забардост товиши. Ҳар ерда ҳумрон татти ва лобар Омонлик замонининг энгувчи иши, дея хулоса қилинади.

Бу мисранинг айрим сифатларини тушириб қолдирсак, уфқни тинмағур меҳнатини товиши йиртиши, ҳар ерда замоннинг энгувчи иши ҳумрон экани аён бўлади. Яъни шoir шеър бошидан бери таърифлаган баҳор гўзалликларни тонгатар қадар давом этадиган меҳнат шовқин-суронига қоршиб кетмоқда. Бунга айни замон кишининг ҳақиқий кечинмалари, десак адашмаймиз. Бу даврнинг улкан адиллари баҳорини, оламининг уйғониши айёмини маънавий турмуш жараёнига қоршибтириб юборгани қанчалик ачинарли! Лекин уларнинг истеъдоди сабаб шу даврда ҳам баҳор ва Наврўз тараннуми давом эттирилди, инсонлар қалбига баҳор завқи, гўзалликлар етказилди. Шеърятда баҳор яна-да қолди!

"Қизғалдоқ барғидай учар дилдан ғам..."

Ўтган асрнинг 60-йилларини "замонавий ўзбек шеърятининг баҳори", дегим келади. Шу давр шоирлари сабаб шеърятимизда инсон қалби билаңд пардаларда куйлана бошлади. Самимий туйғуларнинг соф ифодаси шеърятнинг асосий сифатиға айланди. Бу даврнинг энг баҳорий шоири, шубҳасиз, Абдулла Ориповдир. Шоир ижодида баҳор — алоҳида бадиий ва фалсафий ҳодисага айлангани билан аҳамиятли.

Абдулла Ориповнинг "Сен баҳорини соғинмадингми?" шеъри кириб бормаган ўзбек хонадони бўлмаса керак. Бунда баҳор муҳаббат тисмолига эврилиди. "Уйғонувчи боғларни кездим", дея шoir ўқувчини юртининг дилбар гўшаларига бошлаб кетади. Бу ерда ҳеч ким "тер тўкмайди", ҳеч ким "машиналар шовқинида адашмайди". Шоир ўқувчига ўзи туйган энг гўзал хисларни улашиб боради. Шеърда лирик қаҳрамон ўз севилгисини излар экан, узис баҳор ҳам гарибдек кўринади. "Сен баҳорини соғинмадингми?" — ишонгиси келмайди шоирнинг: — Наҳотки соғинмадингми? Ўқувчи ҳам беихтиёр ён-атрофидagi одамларни саволга туттиси келади: "Сен баҳорини соғинмадингми?" Шу савол билан шoir ўз кайфиятини барчага "юқтиради":

Мана бузган Наврўзи олам, Дўстларимга гуллар тутарман. Қайлардасан, севилги эркам? Қўлимда эур сени кутарман. Уйрим бўйи чорлаб ўтарман, — Сен баҳорини соғинмадингми?

Шoir баҳорга етолманган она ҳақида, қабрини фарзанди эмас, баҳор зиёрат қилаётган она ҳақида, бутун табиатни уйғотиб келган кўклам уйғота олмайдиган ОНА ҳақида ўйлайди. Аммо бу "соқов даҳо"га минг ёлворсанг ҳам биргина уни — шoirга ҳаёт бахш этган онани қайтиб беролмайди.!

Она хотирасидан бошланган мангу ҳаёт ҳақидаги ўйлар эса бевосита янги ҳаёт ҳақидаги хаёлларга уланади: Дилбар келинчақнинг кўксига гулу, Зардобу шохига ташлар кўз қирин. Барг аро шувалар кафтларимкан у... Баҳор тепатова гўдақдай ширин. Кези келганда айтиш лозим, "Баҳор" шеъриси Абдулла Орипов фақат бир лирик кайфиятни чизиб билан чекланмайди. Шоир туйғулар тизгинини ушлаган ҳолда лирик қаҳрамоннинг бир руҳий ҳолатдан бошқача ўтишини, лирик кайфият тадрижини кўрсатиб бера олган. Бу шoir бадиий маҳоратининг энг ёрқин жиҳатларидан.

Шoir яна ҳаёт ҳақида, ундаги инсонлар, уларнинг ғам-ташвиши ҳақида ўйлаб бошлайди. Шунинг ўзи тирикликнинг, баҳорнинг маъносини эканини англаб қолади. Аммо бу охири эмас, хулосадан кейин ундан ҳам билаңд бир хулоса тақдим этиш Абдулла Ориф истеъдодининг "ташриф қозғи" дир:

Қизғалдоқ барғидай учар дилдан ғам, Тонгатар кўлида қалбимга манам. Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам, Менинг Ўзбекистон — дилбар Ватанам. Шоирнинг қалбидан ғамни аритган, унга тошқинлар олиб кирган туйғу — Ватан! Ахир бу баҳор — юртининг баҳори. Ана шу кечинмаларга сабаб бўлган баҳор ҳам шу юрт узра гилам ёган-ку. Энг муҳими, ҳатто баҳор ҳам ўтиб кетади, лекин бу дилбар Ватан қолади! Фақатгина у шоирнинг "чарчаган руҳи"га илҳом бахш этади олади:

Баҳор ҳам, умр ҳам ўтар эҳтимол, Фақат сен дунёда мангу қолурсан. Ватансиз баҳор ҳам, уйғонши ҳам йўқ. Баҳор шу юртининг бир қиёфасини чизиб берди, холос. Баҳорда уйғонган неки бор, ҳаммаси шу юртда мужассам. Асл баҳор — ана шу!

Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Наврўзга роставам ҳужум бошланди. Уни нишонлаш ва куйлаш тақиқланди. Шундай даврда ўзбек зиёлилари Наврўз тарғиботиға куч берди. Бу давр шеърятинида Наврўзга ижтимоий руҳдаги муножабатлар кўпга учради:

Мухаммад Юсуфнинг "Наврўз" шеърисида бу ҳолат куйидагича тасвирланади: Наврўзда наврўзи кўминг, дейишди, Кўминг ва сукутга чўминг, дейишди. Эскилик сарқити асли бу сайил, Эй бандайи мўмин, дейишди. Мустақиллик сари ташланган илк қадмалардан бири сифатида Наврўз умумхалқ байрами бўлиб нишонлана бошлагани ҳам бу айёмнинг кўзбек халқи ҳақидаги муҳим аҳамиятини кўрсатади. Ҳоқоридаги шеър эса бундай яқунланади:



Жонингдан айланай, Наврўз, кел энди, Қирқ йил қиргиндан ҳам омон қолганим. Мен сени ҳеч қимса бермайман энди, Ялмоғиз кўйиндан тортиб олганим. "Қирқ йил қиргин" ибораси билан шoir ундан кўпроқ муддатга ишора қилмоқда. Бу давр Наврўзнинг тақиқлаш кампанияси бошланган 20-йилларга қадар қамраб олади. Бу сиебат нақадар хато экани, халқнинг қон-қонига сингиб кетган улуг айёмини ундан юлиб олиб бўлмастлигини минг йиллик вақт

синовлари кўрсатиб турибди. Яна орадан йиллар ўтар, шунда ҳам бу миллат "Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!" деган китобни баралла айтаверади. Чунки Наврўз — ўзликнинг тисмоли! Мирзо Кенжабекнинг 1989 йилда ёзилган "Наврўз қўшиғи" шеъриси айни шу ҳақиқатлар куйланади: Уралиб хар дилга хурлиқни, Кўклам исён қилаверади. Намойишга чорлаб борлиқни, Наврўз қайтиб келаверади. Бу баҳорини намойиш нафақат борлиқда, балки қалбларда ҳам юз беради. Инсонлар, дэврлар ўтади, ўзбек номли халқ дунёда бор экан, қозонларда сумалак қайнайди, Наврўз сайилари давом этади. Шоир айтганидек:

Мирзо кетса, қайтиб келмайди, Наврўз қайтиб келаверади. Оташнафас шоира Ҳалима Худойбердиева Наврўз халқнинг бирлиги рамзига айлангани ҳақида:

Тўзиб, қайғу чеккан бир жон, Ғурбатларга чўккан бир жон, Бошини кўп эгган бир жон Бош кўтарган пайтда келдинг, дея ургулайди.

"Юрагим — Наврўз руҳим — ҳамалдир..."

Наврўз халқнинг ҳар огиру енгил кунинда бирга бўлди. Адабиётнинг асл вазифаси бўлган инсоннинг энг ички туғёнларини тасвирлашда ҳам Наврўз баҳор мотивлари асқатиб келмоқда.

Юракнинг наврўзлиги — янги ифода, янги ташбеҳ. Қисматнинг кузги изғиринларида, жоннинг саратон оташида ёниши ҳаёт ташбеҳ. Юракнинг ҳамалида юракнинг Наврўз каби яшнаб туриши бир ён. Демак, юрак ҳар лаҳзада янги ҳаётни яшаб келмоқда. Демак, юракнинг куну туни тенг. Демак, юрак энг ашил туйғулардан иборат. Демак, юрак — адабий уйғонишда, мангу севинишда!

Эшқобил Шукурнинг "Ҳамал айвонида куйлайди ҳаво" шеъри ҳам ана шундай ички баҳорий кайфият билан куйғулган:

Ҳамал айвонида куйлайди ҳаво, Қизғалдоқ қўшини қирларга тушиди. Мену етаклаб ўт, эй Қари Наво, Юрағим юртида юлдўзлар пишиди. Ҳамал айвонида куйлаётган ҳавонинг тинглаш учун қирларга қизғалдоқ қўшини тушади. Бу ердан лирик қаҳрамонни Қари Наво садоси етаклаб ўтади. Бу наво шoir юрагинида юлдўзларни пиширади. Демак, яқин орада уларнинг ҳам ерга тўкилиши кутилмоқда. Совиган кўнгилда ўтлар қақнай бошлайди. "Мени етаклаб қил, жон сингилм Сабо", деб хитоб қилади шоир. Ҳамал айвониға Ҳаёт янги куйлақлари билан чиқади. Бу айвонда Ҳаёт бағр уради. Эшқобил Шукур шу кичик шеърисида Баҳорини, ҳамалини — ҳаёт яшил либосида бир товланиб ўтадиган айвонга менгайди. Бу айвонда бадиий қолиб бўлмайди, аммо шу ерда инсон бир мудат нафас олиб яшашига иштиёқини қайта тиклайди, ўзида қувват ҳосил қилади. Бунда Ҳамал айвони — ҳаёт

"Наврўзий насимлар келдилар ногоҳ..."

Наврўз ва Баҳор шеърларда доим ҳам бундай чуқур маъно ташиб келмайди. Шундай давр ҳам бўлдики, шунчаки уларга бағишланган бадиий жиҳатдан саёз мадҳияларни ҳам шеър сифатида тақдим этиш урғуға кирди. Бундай битилар ҳозир ҳам кўзга ташланиб туриши ачинарли. Чунки бугунга келиб ҳеч ким Наврўзини куйлашга қаршилиқ қилмайди, уни тисмоларга ўраб ифодалаш, бадиий тафаккур чигиринида ўтказишга ҳеч қимда эҳтиёж йўқ. Юз йиллар давомида сиқилган, таққирланган, четта улоқтирилган улуг қадриятнинг бугунги шеърятдаги миссияси тамом бўлдики? Асло! Ҳозир ҳам замона шоирлари Наврўзини билаңд пардаларда ва бадиий-эстетик жиҳатдан юқори даражада куйламоқда. Бугунга келиб у — шукроналик, абадий ҳаёт, оламнинг мукамаллиги рамзи сифатида шеърларда яшаб, шеърларни яшатиб келаятир. Шодмонқул Саломнинг "Наврўзона" шеъри ана шундай асарлардан:

Шул баҳордан кўнелимни бир тўлдирсайдим, Тўлган дилга бир бойчечак ундирсайдим. Очилсайди юрагимнинг эшиклари Юрагимга қалдирочлар кўндирсайдим. Баҳорда қалдирочлар хонадонларда ин қуриши эпизодини шоир юракка кўчирди орқали кўнгилдаги неданбир илҳақлиқни бадиий ифода қилди. Кўнгилнинг тўлмаслигига илҳом ҳам шу баҳордан. Шоирда, демакки, шеърда ҳам шу илҳақлиқ давом этади: Ҳақдан менга рухсат олиб берсалар, Юрагимнинг борлигини кўрсалар, Қўшақларим татин қайта ярасалар, Уйғонмоққа ўз-ўзимни кўндирсайдим...

Шоирнинг наврўзона илинжлари бу банд-да аққолроқ кўринади. Уйғонши — баҳорий сифат. Бу мисрани пастдан юқорига қараб ўқиб кўринг: аввал у ўзини уйғонмоққа кўндирдиш керак, шунда қўшиқлари қайта яралиши мумкин, лекин бунинг учун унда юрак бўлиб кўрсатиши зарур, бунинг учун эса Ҳақнинг рухсати, инояти керак. Шеърнинг наврўзоналиги шунда: уйғонши учун Ҳақнинг рухсати шарт! Худди табиатнинг уйғониши, майсаларнинг уйғонишида бўлгани каби!

Шеър сўнгинга қадар шоир ўзидаги уйғонши эҳтиёжини чуқурроқ шарҳлаб бораверади ва охирда "Бир шоирнинг борлигини билдирсайдим", дея энтиқади. Бу — шoir қалбига кечаётган шеърға интиқ наврўзона кайфият. Айни шу кайфият муаллифта мазкур шеърни тақдим этган. Бунда Наврўз шоирнинг илҳом сифатида талқин қилинмоқда, десак, нима дейсиз?

Мансур Жумаевнинг "Биз кутган фасл" китобидан "Наврўзнома" деган шеър ўрин олган. Бу шеърини шубҳасиз "ҳаёт қўшиғи" деб аташ мумкин:

Тун эди навосиз наво дайидан, Бир совуқ, бир қора ҳаво дайидан. Наврўзий насимлар келишар ногоҳ Қўксимни кўкларга ҳаволайидан.

Бир навосиз наво дайидан — умидсизлик кезиб юрган тунда, совуқ ва қора ҳаво дайидан тунда баҳор насимлари эса бошлайди ва у шоирнинг ҳам қўксини кўкларга кўтарди... Умидсизлик кезиб юрган тунда бир ёғду пайдо бўлиши шу тахлит тасвирланмоқда. Шоир ўз-ўзига шундай далла бера бошлайди, яъни юқоридagi шеърлардан фарқли равишда энди шоирнинг ўзи баҳорга қараб боради. Тун ипини узидиган шамни излаб қундузини топиб олади, қўксимни куйлаётган шеърлар тўқиб Ерни "наволайди", ёмғирдан бахтнинг исини тую бошлайди, бахмал адирлардан варраклар ўсиб чиқади, тумпоқдан тириллик ифори гул шаклида унчи чўка бошлайди, даволайдиган сумалаклар пиширади... Баҳор — ҳаёт олиб келади, ҳаёт! Шоир эса шу ҳаётни куйлайди, наволайди, шу билан ўзини даволайди, руҳини кўкларга куйлайди — раволайди... Мансур Жумаевнинг наврўзи худди ўзидек, инки Наврўзга тўла, бир оз беқарор, бир оз сояқ, бироз сирли... муҳими — баҳорий!

\*\*\* Наврўз ўзбек шеърятинида ҳар доим куйланган, бундан кейин ҳам куйланади. Наврўз деган сўз, унга тошлар отилганида ҳам шеърятда яшаб қолган, худди халқ қалбига руҳида яшаганидек. Чунки шеърят ҳам миллат қалбининг кўзгусидир. Наврўз — ҳурлик! Наврўз — меҳнат, кураш, жасорат! Наврўз — миллатнинг ўзиги! Наврўз — гўзаллик! Наврўз — илҳом! Наврўз — ҳаёт! Наврўз — оламнинг ва инсоннинг уйғониши! Наврўз — юз йиллик ўзбек шеърятинида шундай!



# АБДУЛЛА ОРИПОВ Ватанно маси

Ўзбекистон Қахрамони, том маънодаги халқ шоири Абдулла Орипов ижодининг бош мавзуси — ватан ҳақида юксак истеъдод билан ёзилган шеърлари, десак муболаға бўлмайд.

Абдулла Орипов шеърят оламига юксак истеъдод, забардаст қалам ва ўктам овоз билан кириб келган эди. Гарчи унинг биринчи китоби “Митти юлдуз” деб аталса-да, аслида, катта ва порлоқ юлдузнинг адабиёт осмонида порлай бошлаганидан дарак берган ижодий ҳодиса эди.

Шоир йигирма уч ёшида “Мен нечун севаман, Ўзбекистонни?” деб бор овози билан ҳайқирди. Юракларни гурур ва ифтихорга тўлдирган бу чакмоқ шеър эълон қилиниши билан мухлислар қалбидан муштаҳам ўрин олди. Қисқа муддатда шеърхонларнинг сеvimли асарига айланди, қўлма-қўл ўқилди. Тиллардан дилларга кўчди:

**Мен нечун севаман Ўзбекистонни,  
Тупроғин қўзимга айлаб тўптиё.  
Нечун Ватан дея еру осмони,  
Муқаддас атайман, атайман танҳо...**

Бу шеърнинг ҳар бир сатри шоир юрагидан вулқондай отилиб чиққан қайноқ лавани эслатади. Лава тошларни эритиб юборгани каби шеър ҳам юракларга сингиб, томиларда жўш уришини уни ўқиган ватандошларимиз ҳамон ҳис қилади:

**Халқим, тарих ҳукми сени агарда  
Мангу музликларга элган бўлсайди,  
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,  
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?**

Музга меҳрини бериш, музни севишга унча-мурча инсоннинг иродаси, кучи етмайди. Бунинг учун шахс, чин ватанпарвар бўлиш керак! Шоир ана шундай оташин муҳаббат ила юртга буюк меҳрини изҳор этади. Фақат угина бундай мисраларни ёза олади. Шеър шундай қудратли сатрларда давом этади:

**Ватанлар,  
Ватанлар,  
Майли, зулалсин,  
Боз унинг мангулик музда ҳам, аммо  
Юртим, сени фақат бойликларинг-чун  
Севаган фарзанд бўлса кечирма асло!**

Шоирнинг башорат билан ёзилган ушбу шеърини кенроқ тадқиқ этсак, нақадар ҳаётий эканини, бугун дунёнинг айрим мамлакатларида содир бўлаётган бойлик васвасаси жараёнида кўриш мумкин. Ўз ватанининг ер ости ва ер усти бойликларини талон-торож қилаётган айрим давлатларни кўрганда жиддий афсусланамиз.

Биз эса боғлар барпо этаётганимиз, юрт бойликларини асраб-авайлаб келаётганимиздан фахрланамиз. Илоё, шундай ватанга асло кўз тегмасан!

Шоир ижодига ватан мавзусида ёзилган юксак ва бетакрор шеърлардан яна бири “Ўзбекистон” қасидасидир. Бу бетакрор шеър ҳам шоирнинг ватансевар ва ватанпарвар юрагидан чакмоқдай тугилиб, мухлислар қалбидан муҳрланган:

**Бир ўлка бор дунёда, бироқ  
Битилмаган достондир бори:  
Фақат ожиз қаламим маним,  
Ўзбекистон — ватаним маним.**

Шоир “ожиз қаламим маним”, деб камтарона мисраларни битган бўлса-да, қасида Ўзбек халқининг буй-бастини, дунё тарихида барқарор ўрни борлигини, ўтмиши ибратли, келажаги буюклигини гўзал ва бетакрор сатрларда фахр ва гурур билан ёзган. Масалан: “Осмон илми тугилган илк бор, Кўрагоний жадвалларида”, “Денгиз ортин ёритди илк бор, Берунийнинг ақл машъали. Колумба бор аламим маним, Ўзбекистон — ватаним маним”, “Темури тиги етмаган жойни, қалам билан олди Алишер”, “Буюкларга бахш этган даҳо, она халқим, ўзингсан буюк”, “Жалолдиндин самани бўлиб, Сакраб ўтдинг Амударёдан”, “Шаҳидларнинг қирмиз қонидан, Алвон бўлди қора туналаринг”, “У сен эдинг, о, деҳқон юртим, Турар эдинг ялангтўш, яёв”, “Бир ўғлингдек мен ҳам бу замон, Кечмишингни қилдим томоша”, “Асал томчиларидай тотили ва теран тафаккур билан сугорилган ушбу мисраларда шоир юрагиданги Ўзбекистон ёрқин намоён бўлиб, ўқувчи юрагига кўчади.

Қасида шоирнинг улуг ниятлари билан бундай яқун топади:

**Асрларнинг силсиласида  
Боқий турган қошонанг сенинг,  
Улуг башар оиласида  
Мангу еруг пешонанг сенинг,  
Мангу еруг масканим маним,  
Ўзбекистон — ватаним маним.**

Абдулла Орипов умрининг охиригача Ўзбекистон, ватан мавзуларига содиқ қолди. У “Ўзбекистоним, сенга” шеърини бундай сатрлар билан бошлайди:

**Айлаин қалбимни тортиқ  
нурли бўстони, сенга,  
Сен ватандирсан, фидодир  
танда бу жоним сенга.  
Бебаҳосан, асраайман гавхарим,  
деб мен сени,**

**Сен қароқ бўлсанг агарда,  
садқа музсоним сенга...**

Шеърни ўқиган сайин ватанга меҳрингиз ортиб боради. Ҳар бир сатрнинг ўша оҳанги, юракка етиб борадиган ноталари бор. Шоир шеър музикасининг ноталарини ўз ўрнида маҳорат билан ишлатганига қойил қолмай илож йўқ. Шу ўринда шоир шеърларида ўзинга хос музикий оҳанг қоришиб кетганини таъкидламоқчимиз. Айниқса, Абдулла Орипов ўз шеърларини юксак маҳорат билан ўқиганида атрофини ширин ва файзли сукунат босади. Шоирнинг ўктам ва дадил овози юракларни забт этади, вулқондигини шеърнинг мазмунидан келиб чиқиб, гоҳ қувонч, гоҳ изтироб эгаллайди.

Абдулла Орипов шеър ўқишининг ўзи юксак бир санъат. У шеър ўқиганида бетакрор ноталар ҳар бир харфдан тортиб, сатрларгача титраб туради. Масалан:

**Ёру дўстлар жам бўлибдир,  
тўй қилур ўзбек элим.  
Мен дегайман хуш келибсан,  
дўсту меҳмоним, сенга...**

**Дилда борим сен учундир,  
қўлда торим сен учун,  
Қайда бўлсам талпинурман,  
Ўзбекистоним, сенга.**

Шеър Ўзбекистон мавзусида бўлгани учун унга халқимиз анъаналари сингдириб юборилган. Тўй таърифи шунчалар табиий чиққани, гўё бу тўйда шоир меҳмонларни ўзи кутиб олаётгандай жон ҳаёт манзараси акс этган. Бу ижодкорнинг ишонтириш санъати.

Ўзбекистон ва ватан мавзусида ёзилган ҳар бир шеърда янги Абдулла Ориповни, янги фикр ва туйғуларни кўраимиз. Шоир,



айниқса, ватан мавзусида ёзганда юксак туйғулар ва ноёб фикрларга таянади. Бундай хароратли шеърларни ўқиганимизда уни қоғоз қандай кўтарди экан деб ўйлайсиз. Шоирнинг ўтти нодаларини қоғоз ҳам, қалам ҳам ҳис этса керак...

Ана шундай ўтли, дардли ва юракдан тўкилган жавоҳир шеърлардан яна бири “Ватан” деб аталади:

**Ватан деб мен баён қилдим,  
аё дўстлар, мухаммасни,  
Ватаним ким улуг билди,  
азиз билдим мен у касни  
Ватан деб жўш урар эрса,  
кўтаргим бошимга хасни,  
Ватандан айри кўнгилни билингни,  
яйратиб бўлмас.**

**Баайни банди булбулни  
чамансиз сайратиб бўлмас.**

Абдулла Ориповнинг “Ватаннома”сидан муштаҳам ўрин олган бу шеърнинг ёзилганига ўттиз йилдан ошди. Уни ҳамон машҳур ҳофизлар куйга солиб, қўшиқ қилиб, юракдан куйлаб келади. Шеърхонларнинг маънавий мулкига айланган.

**Надомат бирла боқайман  
ватансизларга ҳар доим,  
Эзиб бошини зор йишлар,  
агарчи давлати қойим,  
Фақир бўлсам-да, бор юртни —  
тожус тахтим борар жўйим.  
Ватандан айри кўнгилни билингни,  
яйратиб бўлмас.**

**Баайни банди булбулни  
чамансиз сайратиб бўлмас.**

Абдулла Орипов ватан мавзусини табаррук деб билгани боис, ҳеч қачон ёздан чиқармаган. Қалбидан мудом Ўзбекистон, ватан мавзуси у билан бирга яшади. Бир лаҳза бўлсин, юрагини, қаламини тарк этмади.

Шоирнинг ватан мавзусидаги яна бир тўртлигига эътибор берайлик:

**Балки чаман бўлар дашти Карбало,  
Балки беҳишт мавжуд юлдузлар аро.  
Менинг Ўзбекистон — ватаним бордир,  
Уларнинг баридан аёлроқ, аёло!**

Қаранг, шоир агар дашти Карбало чаман бўлса ҳам, беҳиштга айланса ҳам



**У сени фарзанд деб олғаймикан тан?!  
Ҳамма гап шунда...**

Биз ватанини таниганимиздек, ватан ҳам ўз фарзандларини тан оладими-йўқми, деган ниҳоятда долзарб мавзуни қаламга олади. Унинг ҳақиқий фидойи фарзанди бўлишга даъват этади.

Шоир “Мусофир” шеърда ватандан йироқда бўлган кимсани — “ажраб кетган бўлса эт билан тирноқ”ни, “Мусофир десалар тўғридир тупроқ”, дейди. Шундай ҳолат рўй бериб, одам мусофирга айланганда ҳам унинг ватани бўлиши кераклигини умид билан бундай изоҳлайди:

**Беҳад улуг эрур замон матлаби,  
Заминда мусофир эмасдир башар.  
Ҳар ким ватанига ярашган каби,  
Ҳар кимга дунёда ватан ярашар.**

Ватанига ярашганлар ҳам, ватан ярашганлар ҳам дунёда бахтли инсонлардир. Ватан бахтини кўриб яшаш ҳар бир инсонга nasib этсин!

Абдулла Орипов ватанга чин фарзанд бўлиши мумкинлигини фалсафий мисралари орқали “Ватан фарзанди” шеърда бундай ифодайди. “Тохо ёш болага ўхшайди Ватан”, деб ёзади. “Бегона кўзлардан асрамоқ даркор”, дейди. “Ватан улуг пирга ўхшайди гоҳи”, деб давом этади. Ва уни “юрса товоғига ботмасан”, деб “йўлдан олиб кўйинг” ҳар хил тошларни”, деб огоҳлантиради. Шеърга бундай теран хулоса ясади:

**Ким унинг хизматини этлоса адо,  
Икки дунёда ҳам бўлмайдир кам.  
Узини тамасиз қилдим фидо,  
Уша зот ватанга фарзанд чинакам.**

Ватанга ҳақиқий фарзанд бўлиш ҳам осон эмас. Ватанга фидо бўлиш биздан мард, жасур, ботир, ҳалол ва пок бўлишни талаб этади.

Абдулла Орипов ҳаётлик пайтда беморлиги сабаб Туркияда довланган. Шоирнинг синглиси Бибисора опа уни кўргани Туркияга боради. Шунда шоир “Ватан меҳри” деган ажойиб шеър ёзиб, синглисига бағишлайди. Шеърда шоир ўз услубига содиқ қолиб, умрининг яхши дамларини билан бирга синовли кунларини ҳам эслайди:

**Ношукрлик ёмондир,  
яшадик-ку ҳарқалай,  
Қайга борсам, мухлислар  
бизники деб аташди.**

**Бироқ ўтган йилларнинг  
феълин ҳам айтиб ўтай:  
Аваало, кўрқиндилар,  
сунгера эса талашди.**

Шоир булардан ўқинмайди. “Лекин тасом талпиндим эзуликка, меҳрга”, деб таскин топади. Тўшақда ётган бемор шоир олис

ватанидан кўргани келган синглиси тимсолада бундай деб ёзади:

**Сен ватаним меҳрини  
келтирдинг, Бибисора,  
Энди оёққа турғуз  
соз-амон, ўйнаб-қулиб.**

**Билиб қўй, бу меҳрни  
топиб бўлмайдир сира,  
Инчунин, кўрнайай соҳиба  
сингил бўлиб.**

Ватан меҳрини қўмсаган, ватан жамолини соғинган шоир уни кўргани келган синглиси қиёфасида кўриб, жуда ажойиб ва бебаҳо шеър ёзган.

У яна бир шеърини “Ватан севгиси”, деб атаган. “Сев ватани, севгин борини, тоғларнинг қоригача сев, Чексиз, тубсиз ғоригача сев”, деб даъват қилади. Шеър сўнгидега эса ватанини ҳар қанча севсан арзийди, лекин ватандошман, деганинг “севиб бўлмас барчасин бирдай”, деган тугал хулосага келади ва бу билан ўз ҳақиқатига содиқ қолади.

Шоирнинг яна бир “Ватан” деган шеърдаги кутилмаган ўтли мисралар кишини ҳаяжонга солади.

**Ватан қадрин белгиламас  
олтин ё олмос,  
Уни биров сотолмас ва ё  
сотиб ололмас.**

**Кунчиқарда Худойимнинг  
олий мақоми,  
Кунботарга борганинда  
пасайиб қолмас.**

Буюк шоирнинг машҳур “Ватаннома”сига меҳр-муҳаббат билан кўз ташлашга уриндик. Бундан ватанини севиш, ардоқлаш, унга меҳр қўйиш, энг муҳими, чин ватанпарвар бўлиш учун бебаҳо сабақлар оламиз. Бу теран сабақлар янгидан бунёд этилаётган Ўзбекистон ва ҳар томонлама юксалаётган ватанимиз тараққиётида бизга куч-ғайрат бағишлайди. Ватанин севишга, Ўзбекистонни офатлардан асрашда мададкор бўлишга ҳаммиса даъват этади.

Ўзбекистон деб аталмиш буюк ватанини улуг ва донишманд шоир, Ўзбекистон Қахрамони Абдулла Ориповдек тоза ва пок қалб билан, мард ва фидойи юрак билан севишни, ардоқлашни ўрганаётимиз. Биз қачонки улуг шоирнинг “Ўзбекистон — ватаним маним” деган нидосига юракдан жўр бўлсак, ҳаммиса она ватанимиз тинч, барқарор ва абдиёт сари дадил юксалаверади.

**Ашурали ЖўРАЕВ,  
Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган журналист**

## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТИЗИМИДА “ШАХМАТ МАКТАБИ” ФАОЛИЯТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, бунинг учун зарур тузилмаларни шакллантириш йўналишларида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натيجида юртимиз вакиллари халқаро мусобақаларда тарихий ютуқларга эришмоқда.



Хусусан, Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган XXXIII ёзи Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз умумжамоа ҳисобида 13-ўринни, Осиё қитъасида 4-ўринни, туркий ва ислом мамлакатлари ҳамда МДҲ бўйича 1-ўринни эгаллади. Ўзбекистон тарихида илгари ҳеч қачон бўлмаган бу каби ютуқлар спорт соҳасига ва спортчиларга кўрсатилаётган юксак эътибор самарасидир.

Мазкур йўналишлардаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон касоба уюшмалари федерацияси ҳам турли соҳаларда меҳнат қилаётган ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини ошириш, уларни спортга кенг жалб этиш, бу орқали ходимлар саломатлигини муштаҳамлаш, меҳнат жамоаларида соғлом турмуш тарзи барқарорлигини таъминлаш борасида тизимли ишларни амалга ошириб келмоқда. Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланаётган бугунги шукуҳли кунларда федерациянинг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида “Шахмат мактаби”нинг очилиши бу борада галдаги муҳим қадам бўлди.



Ушбу мактаб юртимизда шахматни янада ривожлантириш, меҳнатқашлар, жумладан, ёшлар ўртасида шахматни оммавий ҳаракатга айлантириш ишларига муносиб ҳисса қўшиш мақсадида очилган. Ўзбекистонда касоба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллиги олдидан амалга оширилган ушбу хайрли лойиҳа натижасида шахмат иштирокида ушбу мактабда ақл гимнастикаси сирларини бепул ўрганиш имкониятига эга бўлди. Тадбирда таъкидланганидек, сўнгги йилларда спорт соҳасини, шу жумладан, шахмат

турини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларнинг шахмат бўйича иккинчи даражасида шахматчиликни намоён этиши учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. Бунинг натижасида шахматчиларимиз жаҳоннинг нуфузли мусобақаларида юксак галабаларни қўлга киритиб, ўзбек шахмати салохиятини бутун дунёга намоён этмоқда. Хусусан, 2024

йилда Халқаро шахмат федерацияси рейтинг-ида Ўзбекистон жамоаси 203 та давлат орасида 13-ўринни эгаллади ва мамлакатимизда халқаро гротсмейстерлар сони 30 нафарга етишига эришилди.

Ўзбекистон касоба уюшмалари федерацияси тизимида ташкил этилган “Шахмат мактаби” ҳам аҳоли, айниқса, ўқувчи ёшлар ўртасида шахматни кенг тарғиб этиш билан бирга, йигит-қизлар орасидан мазкур ўйинга қизиқувчи ёш иқтидорларни аниқлаб, қобилиятларини юзага чиқариш, билим ва кўникмаларини ошириш, бу орқали кучли шахматчилар етиштириб чиқишини таъминлашга хизмат қилади.

Федерация томонидан юртимизда шахматнинг оммавийлигини ошириш бўйича яна бир қатор хайрли ишлар режалаштирилган. Хусусан, мамлакатимиз ҳудудларидаги меҳнат жамоаларида шахмат клублари ташкил этилади, корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари ўртасида ҳар йили шахмат бўйича туман — ҳудуд — республика босқичларидан иборат мусобақалар ўтказиш қўлами янада кенгайтирилади.

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,  
Ўзбекистон касоба  
уюшмалари федерацияси  
Матбуот хизмати раҳбари**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ  
Бош муҳаррир: Салим ДОНИЁРОВ  
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси  
Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.  
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-346.  
37346 нусxada босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нарҳда.  
“ШАРҚ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқуллов  
Мусахҳиҳ: Малоҳат Мингбоева  
Дизайнер: Зафар Рўзиев  
Манзиллими: 100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй  
ЎЗА якуни — 02:30 Тошхирлиди — 03:15  
Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz (71) 233-47-05